Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН НАШР ҚИЛИНА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 9 (20. 576) • 1990 йил 11 январь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури: кўзда тутилган вазифалар қандай бажарилмоқда?

ЎҚУВЧИЛАР ТЕКИНГА ОВҚАТЛАНИШЯПТИ

«Барча яхши нарсалар — болаларга» шиори бугунги кунларда янада кенг маъ-ога эга бўляпти. Давлатимиз томонидан жажжи жигарбандларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар бу борада йиғилиб қолган кўплаб муаммоларга эндиликда эътибор кучаяётганлиги натижасидир. Ўтган кундан бошлаб 1- синфдан 5-синфгача бўлган ўқувчиларни мактабларда бепул овқатлантириш йўлга қўйилганлигини, бунинг учун республика бюджетидан 64 миллион сўм ажратилганлигини республикамиз аҳолиси мамнуният билан кутиб олди. Мактаб коллективлари бу тадбирни амалга ошириш юзасидан ғайрат кўрсатмоқдалар.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 115-мактаб ўқитувчилари ҳам бу ишларни район ошхоналар трести ходимлари билан ҳамкорликда муваффақиятли амалга оширяптилар, 400 ўқувчи икки смена-да овқатлантириляпти. Ўқитувчилар назорати остида тайёрланадиган менюда кичкинтойлар учун зарур фойдали моддаларга бой маҳсулотлар кўзда тутилмоқда. Сут, тухум, кефир, пишлоқ каби маҳсулотлар шулар жумласидандир. Мактаб ошхонасида махсус мебель жиҳозлари ўрнатилган. Ошпазлардан Ҳикмат Болтабоев, Муҳайё Абдурахмонова, Гулҳида Эрматовалар ўқувчиларга мазали таомлар тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар.

М. НАЗАРОВ.
Муаллиф суратлари.

АЁЛЛАР, ОИЛА ВА БОЛАЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Республика Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгаш ўн учинчи беш йилликда ва 2005 йилгача бўлган даврда аёллар ва оиланинг аҳволини яхшилашга ҳамда болаларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон ССР давлат программасини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов олиб борди.

Яқинда республика Министрлар Советида тузилган хотин-қизлар ишлари, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимининг мудираси О. С. Аббосова кенгаш қатнашчиларига программа устида ишни ташкил этиш тўғрисида сўзлаб берди.

Кенгашда бу ишни кучайтириб, программанинг концепцияси ва структурасини белгилаб олиш, уни тузишга методологик ёндашишни аниқлаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Кенгашда Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

СОФИЯ, 9 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Болгария пойтахтида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 45-мажлиси очилди. Мажлисда Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегациялари қатнашмоқдалар. Совет делегациясига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошчилик қилмоқда.

ЎИЁК: тубдан қайта қуриш босқичи

Болгария ҳукуматининг бошлиғи Г. Атанасов мажлисни очиб, унинг қатнашчиларини самимий табриклади.

Бу галги сессия, деди у, ташкилотимизнинг иши учун бурилиш аҳамиятига эгадир. ЎИЁК ўз фаолиятининг 40 йили мобайнида мамлакатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, уларнинг экономикасини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Бироқ кейинги йилларда ҳамкорлигимиз ўз самарадорлиги ва жўшқинлигидан маҳрум бўла бошлади. Бир қанча қийинчиликлар ва камчиликлар пайдо бўлди. Кўп томонлама ҳамкорлик системасидаги нохуш ҳодисаларнинг холисона таҳлили шуни кўрсатдики, бу ҳодисалар ЎИЁК мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги салбий жараёнларни акс эттирмоқда. Шу сабабли ҳамкорликни ва иқтисодий бирлашувни янада ривожлантириш ЎИЁК мамлакатларида авж олиб бораётган туб ислоҳотлар билан бевосита боғлиқлигига ишончимиз комил.

Сўнгра сессиянинг 44- ва 45-мажлислари ўртасида ЎИЁКнинг фаолияти тўғрисида кенгаш ижрокомининг маълумотномаси юзасидан ЎИЁК ижрокомининг раиси А. Луканов ахборот берди.

ЎИЁКка аъзо бўлган мамлакатларнинг куч-ғайратлари, деб таъкидлади у, шу даврда биринчи галдаги миллий ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишга, уларнинг кўпчилигида чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қаратилди. Кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқариш бирмунча ўсиши билан бирга ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги қийинчиликлар кескинлашди.

Кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодиётидаги ички қийинчиликлар каби ЎИЁК доирасидаги ҳамкорликнинг камчиликлари ўзаро товар айирбошлашни ривожлантиришга салбий таъсир қилди. Ҳисобот даврида товар айирбошлаш деярли кўпаймади, беш йиллик савдо битимларида кўзда тутилган суръатлар амалда рўёбга чиқмади.

Ижрокомда ва ЎИЁКка аъзо бўлган мамлакатлар орасида, деди нотиқ, бу майлларни бартараф этиш ва бирлашув жараёнларини кучайтириш учун ҳозир ҳамкорлик системасини такомиллаштириш эмас, балки бутун ҳамкорлик системасини қатъият билан дадил ислоҳ қилиш, кўп томонлама ўзаро алоқа қоидалари ва воситаларини кўриб чиқишга, революцион ёндашиш керак, деган тушунча пишиб етилди.

Тушдан кейин сессия мажлисида Совет делегациясининг бошлиғи — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков нутқ сўзлади.

ЎИЁК мамлакатларида рўй бераётган ислоҳотлар шароитида, революцион ўзгаришлар шароитида, деб таъкидлади у, Совет Иттифоқи Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига ўзининг принципиал ёндашувини ўзгартирмай, уни иқтисодий ҳамкорликнинг ўзаро фойдали коллектив органи деб билмоқда.

Бизнинг коллектив ташкилотимиз ўз ўрталарида барқарор ва ҳаётий зарур иқтисодий алоқалар қарор топган мамлакатларни бирлаштириб турганлиги Совет Иттифоқи учун, қолаверса, ЎИЁКка аъзо бўлган бошқа давлатлар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Битта макон — хўжалик минтақасида бўлган шу мамлакатларнинг кўпчилиги территориал яқинликдан катта манфаат кўриши мумкин. Хўжаликлари бир-бирига шу қадар юксак даражада мадад бериб турган мамлакатлар ўзларининг коллектив ишкобили ролга етарли даҳо бермасликлари бемаънилик бўлур эди, шу ташкилот доирасида ҳамкорликнинг бир қанча муштарак шарт-шароитлари, стандартлари ва нормативлари амал қилиб келмоқда, тараққиёт ва иқтисодий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро ахборот берилиб турибди.

Кейинги йилларда, деди сўзини давом эттириб Н. И. Рижков, ЎИЁК мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожи бирмунча сусайди, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бу алоқаларнинг роли заифлашди. Иқтисодий ҳамкорликнинг самарадорлиги камайди. Ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш, ишлов бериш ва машинасозлик тармоқларининг маҳсулотини айирбошлашни кенгайтириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш учун тобора кўпроқ тўсиқлар пайдо бўла бошлади. Ҳамкорликнинг жозиба кучи озайди. Кўпчилик мамлакатларнинг ташқи бозорларидаги рақобат қобилияти пасайиб, жаҳон товар оборотидаги улуши камайди, ташқи қарзи кўпайди.

Мана шу салбий ҳодисаларнинг сабаблари жуда мураккаблигини ва улар ҳам ички, ҳам ташқи тусдаги бир қанча омиллар туфайли келиб чиққанлигини ҳаммамиз тушуниб турибмиз. Бироқ энг муҳим нарсани фаҳмлаб олмоқ керак: давлатлараро иқтисодий алоқалар системасининг ўзи билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг кўпчилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўртасида чуқур номувофиқлик вужудга келди, бу эса ўзаро иқтисодий алоқаларга тобора сезиларли салбий таъсир ўтказмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси мамлакатларимиз иқтисодий ҳамкорликнинг бутун системасини тубдан қайта қуриш ўта зарурлигига, иқтисодий усулларга ўтиш ва бозор муносабатларидан кенг фойдаланиш, ўз иқтисодий алоқаларимизни жаҳон шароитларига яқинлаштириш зарурлигига етиб келганликларидан далолат беради.

Мавжуд нарх-наво ва ҳисоб-китоб системаси давлатлараро даражадаги товар оборотини шакллантириш ва ЎИЁК мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидан анча яккаланганлиги шароитида вужудга келган эди. Ҳозирги вақтда бу практика аслида алоқаларни ривожлантиришга халақит берадиган бир нарсага айланиб қолди.

ЎИЁК мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобда ишлатилиб келган ўтиш пули аслида ЎИЁК мамлакатларининг миллий валютолари билан ҳам, эркин айирбошланадиган валюталар билан ҳам боғланмаган ҳисоб-китоб бирлиги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, шу сабабли у тўла қимматга эга бўлган тўлов воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Совет Иттифоқида ва бошқа мамлакатларда корхоналар ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини олган ва айни ҳақиқий тўлов воситаларига муҳтож бўлиб қолган бир шароитда ўтиш пули бирлаштириш воситасидан алоқаларни ривожлантириш учун тўсиққа айланиб қолди. Бундан ташқари, мамлакатлардаги ички ҳисоб-китоблар учун ўтиш пулининг долларга қарагандa миллий валюталарга нисбатан камситувчи қадр-қиммати белгилаб қўйилмоқда.

Совет сўмининг ва ЎИЁК мамлакатлари миллий валюталарининг ажнабий валюталарга бемалол алмаштирилишига эришиш ҳамда ҳисоб-китобларда уларни қўлланиш масалани энг яхши тарзда ҳал этиш бўлур эди, албатта. Бироқ мамлакатларда вужудга келган иқтисодий аҳвол бу вазифани амалий равишда ҳал этишни орқага сурмоқда. Ҳозирги босқичда ўзаро ҳисоб-китобларга эркин алмаштириладиган валютадан фойдаланиш, ўзаро савдо-сотиқда эса жаҳон бозори нархларидан фойдаланиш иқтисодий алоқалар системасини ўзгартиришнинг ҳақиқий воситаси бўлиб қолмоқда. Бу эса ЎИЁК доирасидаги ҳамкорликни янги иқтисодий негизга қўйиш ва унинг шарт-шароитларини жаҳон практикасида ҳамма тан олган шароитларга яқинлаштириш имконини берган, мамлакатларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг руҳига мос бўлиб тушиб, уларнинг халқаро меҳнат тақсимотига самарали равишда қўшилишига йўл очган бўлур эди.

Янги вазифаларга мувофиқ равишда биз ЎИЁКнинг ўзини қайтадан ташкил этишимиз, унинг вазифаларига, низомига аниқлик киритишимиз, кенгашнинг ва унинг муассасаларининг янгича тузилишини ишлаб чиқишимиз керак, деди Совет делегациясининг бошлиғи сўзини давом эттириб. Кенгаш ва унинг муассасаларининг янги структураси бирлашув жараёнларини чуқурлаштиришга, ўзаро манфаатли савдо-сотиқни ва фан-техника ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашадиган бўлиши керак. Чамаси, ЎИЁКнинг иқтисодий таҳлил ва тахмин қилиш вазифаларини кучайтириш, бу ишни ҳамкорликнинг стратегик йўналишларига кўпроқ қаратиш лозим.

ЎИЁК ўз номи жиҳатидангина эмас, ўз ишининг мазмуни жиҳатидан ҳам янада иқтисодий тус олиши керак. Ҳамкорлик воситаларини доимо такомиллаштириш унинг энг муҳим вазифасидир. Бу соҳада ҳам жаҳон бозорларидаги иш усулларини тезроқ ўзлаштириб олиш учун, ташкилотимизнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқа боғлаш усулларини ишлаб чиқиш учун дунёдаги ижобий тажрибадан кўпроқ даражада фойдаланиш зарур.

Шунга асосланиб, Совет делегацияси иқтисодий алоқалар системасини ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ўзини тубдан ўзгартириш тўғрисида принципиал қарор қабул қилишни таклиф этади. Сессия қаорининг дастлаб тайёрлаб қўйилган лойиҳаси муҳокамамизнинг руҳига мувофиқ келмайди ва ҳатто энг муҳим масалаларни ҳам қамраб олмайди, албатта. Шу сабабли биз қарор лойиҳаси хусусидаги ўз мулоҳазаларимизни тақдим этдик, унда ЎИЁК бошқа мамлакатларининг фикрини ҳам имкони борича акс эттиришга интилдик. Биз ҳозирги сессия биринчи қадам сифатида ҳамкорликнинг янги шароитларига ўтиш тўғрисида принципиал қарор қабул қилсин ва айни вақтда махсус комиссия тузсин, деб таклиф қиламиз, бу комиссия таниқли мутахассислар, олимлар, ҳуқуқшуносларни жалб этиб, коллектив ташкилотимизнинг қонун-қоидалари, низоми ва тузилиши тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин. Бу таклифлар ЎИЁКнинг яқин орада ўтказиладиган сессиясида кўриб чиқилиши мумкин бўлур эди.

ЎИЁК сессиясининг 45-мажлисида ЎИЁКка аъзо бўлган мамлакатлар — Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба Республикаси, Монголия, Польша, Руминия, Чехословакия, шунингдек Югославия делегацияларининг бошлиқлари ҳам сўзга чиқдилар.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

А. КОНДРАШОВ,
А. СТЕПАНЕНКО,
В. ТАЛАНОВ.

• Номзодлар ҳақида ҳикоялар

ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

...Раҳматулла Омонов бугун ҳам ҳар кунгидек эрта тонгдан дала айланди-да, қалби қувончга тўлди. Қир ва адирлардаги арпа-буғдой барқ уриб ривожланмоқда. Яна бир-икки ёғин ёғса, мўл ҳосилдан умид қилса бўлади.

Омонов йўл-йўлакай шу хаёллар оғушида ўзи ўқиган Ҳакимжон Исмоилов номли ўрта мактабга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Мактабнинг ичкарисини, ташини кўздан кечирди. Ҳартугул синфхоналар иссиқ. Бироқ парталарда болалар тиқилинч ўтиришарди. Алланималарни ён дафтарига қайд этди. Қўшимча синфхоналар қуриш, бошланғич синф ўқувчиларини совхоз ҳисобидан бепул овқатлантиришни йўлга қўйиш керак. Омонов йўлда давом этар экан, Қизилтепа ва Ёртепа посёлкаларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, Қизилтепа посёлкасини газлаштиришни тезлаштириш кераклигини кўнглидан ўтказди.

У область Совети депутати, район партия комитети бюроси аъзоси сифатида ҳам озмунча иш қилаётгани йўқ. Одамлар «болажон директор» дейишганича бор. Чунки унинг ташаббуси билан Қизилтепа посёлкасида 834 ўринли мактаб, Будённий номли ўрта мактаб учун янги бино, Ёртепа қишлоғида 90 ўринли болалар боғчаси қуриляпти. Қиш ва серёғин баҳор кезлари Қуштангбалиқ қишлоғидаги ариқдан шу ерлик ўғил-қизлар мактабга ўтиб қайта-олмай сарсон бўлишарди. Кўприк қуриш ишига ҳам Омонов бош-қош бўлди.

У меҳнат фаолиятини совхознинг қишлоқ хўжалик машиналари паркида ишлашдан бошлаган эди. Ўрта мактабни битиргач, тажрибали механизатор Эшқувват Пўлатовга шогирд тушди. Шу-шу техникага меҳр қўйди. Бир йилдан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига кириш имтиҳонларини муваффақият билан топширди. Раҳматулла олий маълумотли инженерлик дипломи билан ўз қадрдон совхозига қайтиб келди. Слесарь, техника хфсизлиги инженери, устахона мудири, бош механик бўлиб ишлади. Бош инженерлик лавозимига кўтарилди. Кўп ўтмай Раҳматулла Омоновни совхоз коммунистлари ўзларига етакчи этиб сайладилар.

Мана, у 1986 йилдан бери уруғлик ғалла етиштиришга ихтисослашган Карл Маркс номли совхоз директори бўлиб ишламоқда. Меҳнати, ташкилотчилик фаолияти муносиб эъзозланди. Область партия комитети аъзолигига сайланди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида делегат бўлиб қатнашганлиги ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Халқимиз дарахт бир жойда кўкаради, деб бежиз айтмайди. Оддий слесарликдан хўжалик директорлиги лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган Р. Омонов ҳамиша одамлар орасида бўлиб, уларнинг қалбига қулоқ тутишга, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга интилади. Хўжалик ишчиларини меҳнат ютуқлари сари руҳлантиради. Совхоз областда биринчилардан бўлиб, хўжаликни юритишнинг янги усулига ўтиб ишламоқда. Хомчўтлар совхоз ўтган йилни 1,5 миллион сўм соф фойда билан якунлаганини кўрсатаётир.

Яқинда сайловчилар моҳир ташкилотчи, жонкуяр коммунистга яна бир бор катта ишонч билдирдилар. У 213-Қамаши сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

Рўйхатга олинмоқда

Округ сайлов комиссияларида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда. УзТАГ мухбирларининг хабарларига кўра, қуйидаги номзодлар рўйхатга олинди:

21-Циалковский сайлов округидан — Тошкентдаги 2521-автоколонна ҳайдовчиси Ш. И. Диёров; Куйбишев район ижроия комитетининг раиси Ш. Т. Нусратов; 8-автобаза ҳайдовчиси В. Н. Остапчук; «Таштеплоцентраль» корхонасининг директори У. С. Ҳошимов.

* * *

65-Примқул сайлов округидан — Олмалиқдаги 4-автомобиль ремонти заводининг слесари А. И. Ершов; Олмалиқ кон-металлургия комбинати техник назорат бўлимининг назоратчиси И. И. Капунова; Олмалиқдаги 2-ихтисослаштирилган механизация бошқармасининг электрослесари Т. Аҳмедов.

* * *

124-Завод сайлов округидан — «Андижангидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари В. Н. Лубенцов; Андижон механика заводининг слесари И. Саматов; «Электроаппарат» заводининг электр слесари А. Султонов.

* * *

197-Ромитан сайлов округидан — Бухоро область Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Эргашев; Ромитан район марказий касалхонасининг бўлим бошлиғи А. Г. Аслонов.

* * *

254-Қўқумбой сайлов округидан — Наманган область Косонсой районидаги «Қўқумбой» совхозининг ишчиси Т. Жўраева; «Бухоро» совхозининг бригада бошлиғи Х. Х. Нишонов; Косонсой районидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи И. Ризаев.

* * *

301-Қорадарё сайлов округидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов.

* * *

342-Ангор сайлов округидан — Сурхондарё область Ангор районидаги «Таллимарон» совхозининг сут соғувчиси Ш. Ҳ. Мирзаева; шу райондаги Карл Маркс номли колхозининг «Бойчечак» болалар боғчасининг мудираси Ш. Норбоева.

* * *

364-Арнасой сайлов округидан — республика ҳарбий комиссари В. Н. Маҳмудов.

* * *

420-Ҳалқобод сайлов округидан — Фарғона область Охунбобоев районидаги «Намуна» совхозининг инженери М. Турдалиев; шу райондаги «Победа» колхозининг раиси М. Осмонов.

* * *

480-Октябрь сайлов округидан — Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги «Правда» колхозининг аъзоси Р. А. Рейимбоева.

* * *

22-Қорасув сайлов округидан — В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. А. Духовний; Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти партия комитетининг секретари Ш. М. Мирзаев; СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби бошлиғи Н. И. Ожиганов.

* * *

24-Завод сайлов округидан — 13-поликлиниканинг бош врачи С. К. Валиева; 210-ўрта мактаб директорининг ўринбосари В. Г. Зинченко; 36-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори В. М. Корабельников.

* * *

133-Бўтақора сайлов округидан — Андижон пахтачилик институтининг ректори А. Х. Мамадалиев; Андижон район марказий касалхонасининг врачи Ф. Абдурахимов; Андижон районидаги «Ленинград» колхозининг раиси Б. Сатторов.

* * *

174-Транспорт сайлов округидан — Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. М. Сажнев; Бухоро йўл бўлимининг бирлашган йўл хўжалиги бошлиғи Ш. Ш. Бикаев.

МУНОСИБ ҲИССА

Республика халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга депутатлар сайловига саноқли ҳафталар қоляпти. Сайловни ўтказиш билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишлари қандай йўлга қўйилган. Мухбиримиз шу мақсадда «Ўзбекистон» нашриёти директори Р. ШОҒУЛОМОВ билан учрашиб, бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Рустам Шомуродович, нашриёт колективининг сайловолди фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Нашриётимиз коллективи сайловолди кампаниясининг авж олишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир. Шу ўринда сайловга доир чиқарилаётган китоб, брошюра ва плакатларимиз меҳнаткашларга манзур бўлаётир. Жумладан, «Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг Асосий йўналишлари», яъни Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури ихчам ҳажмда 100 минг нусхада чоп этилди. Биз бу билангина чекланиб қолмадик. Ҳаракат дастуридаги айрим бўлимлар плакат сифатида ҳам ўқувчилар эътиборига етказилди. «Партия ходимлари учун», «Республика меҳнаткашлари учун», «Қишлоқ меҳнаткашлари учун», «Хотин-қизлар учун», «Ёшлар учун» бўлимлари ўзбек ва рус тилларида нашр этилганлигининг ўзи диққатга сазовордир.

Ҳаракат дастурида таъкидланганидек, ўзбек тилида, республикадаги бошқа миллатларнинг тилларида китоб чиқариш кўпаяётир, миллий маданият марказлари ва жамиятлари ташкил этилаётир. Нашриёт ўз ишини худди шу асосда олиб бораётир. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)»ни ўзбек тилида 100 минг, рус тилида 50 минг, тожик тилида 5 минг, қозоқ тилида 2 минг, қирғиз тилида 8 минг, крим-татар тилида 2 минг нусхада босмадан чиқарилди. «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақида» Қонуни ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақида» Қонуни ҳам худди ана шу тилларда чоп этилди.

Биз кейинги пайтда қўшни республика нашриётлари билан алоқани янада мустаҳкамлаяпмиз. «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақидаги Қонун»ни ўзбек ва рус тилларида 100 минг нусхада чоп этилди. «Қирғизистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонуни» ва бошқа Қонунларни биз ўзбек тилида, айни пайтда бизнинг Қонунларимиз ҳам уларнинг тилларида чоп этилиб аҳоли ғуж яшайдиган жойларга етказиляпти. Шу билан бирга О. Олимжонов, М. Тешабоевнинг «ЎзССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиби ҳақида»ги брошюраси ҳам сайлов округлари ва сайловчилар учун асосий дастур бўлаётир.

— Сайловга доир плакатлар ҳақида нима дейсиз?

— Плакат — тарғибот-ташвиқотнинг асосий кўзгуси. Шу мақсадда сайловга оид бир неча плакатлар ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, крим-татар тилларида босмадан чиқарилди. Бу борадаги изланишларимиз давом этяпти. Ўйлаймизки, нашриётимиз ходимлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайловининг муваффақиятли ўтишига муносиб ҳисса қўшадилар.

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

10 январь куни Тошкентда республика агросаноат комплекси ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ер ва Мулк тўғрисидаги СССР Қонунлари лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Кенгашда хўжаликларнинг раҳбарлари ва бригадирлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, олимлар, фермерлар, партия ва совет ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов олиб борди.

Кенгаш иштирокчилари тақдим этилаётган Қонун лойиҳаларининг баъзи моддаларини ўзгартиришга доир бир қанча таклифларни айтдилар, суғориладиган ер фаровонликнинг асосини ташкил этадиган республика учун Ер тўғрисидаги Қонун билан бир қаторда Сув тўғрисидаги Қонунни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар. Сўзга чиққан кишилар меҳнат ресурслари кўп бўлган ва сув етишмайдиган республикамиз шароитига нисбатан таклиф этилаётган қонун лойиҳалари пухта ишлаб чиқилиши ва янада аниқ белгилаб қўйилиши кераклигини қайд этдилар.

(ЎзТАГ).

• Инсон омили эътиборда

ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

Серго номли совхознинг касаба союз ташкилоти ишчиларнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш бўйича анчагина ибратли тадбирларни амалга оширди. Ёз ва куз фаслларида хўжаликнинг деярли барча бригадаларида дала шийпонлари зарур воситалар билан жиҳозланиб, деҳқон ва чорвадорларнинг ҳақиқий дам олиш масканларига айлантирилди. Қишлоқ агитаторлари ишчиларни янгиликлардан бохабар қилиб туришди. Айниқса агитаторлардан Абдулла Абдураззоқов, Неъмат Ашуров, Озод Сатторов, Мадусмон Пўлатов ўтказаётган суҳбатлар меҳнаткашларда қизиқиш уйғотяпти.

— Касаба союз ташкилотининг ишчиларга яратган қулайликлари фақат шулардангина иборат эмас, — дейди совхоз касаба союзи комитетининг раиси Арслонбек Жоналиев. — Биз йирик чорвачилик фермаларида, сут-товар комплексларидаги ишчилар учун ҳам дам олиш хоналари ташкил этиб, барча зарур воситаларни муҳайё этганмиз. Жумладан, Киров аҳоли пунктидаги чорвачилик комплексида, Серго қишлоғидаги сут-товар пунктида ҳам ишчиларнинг маданий дам олишлари учун барча шароитлар вужудга келтирилган.

Совхозда илғор ишчилар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаётир. Масалан, ишлаб чиқариш илғорларидан бир неча киши социалистик мусобақа ғолиби сифатида санаторий ва дам олиш уйларига пулсиз йўлланмалар билан тақдирланди.

Касаба союз комитети ўз маблағи билан ишчиларнинг бир кунлик дам олишларини тез-тез уюштириб турибди. Меҳнатда намуна кўрсатган ўттиздан ортиқ киши Тошкент ва Ленинобод шаҳарларига саёҳатга бориб келдилар. Касаба союз комитетининг қарори билан иш кўламининг ўн, йигирма ва ўттиз кунлик якунлари асосида ғолиблар пул мукофотлари билан ҳам тақдирланмоқдалар. Меҳнатдаги ютуқлари учун чўпон Мирабдулла Қанаев, сабзавоткор звено бошлиғи Ўрозали Содиқов, сут соғувчи Қизилгул Йўлдошева ва бошқалар ана шундай мукофотларга сазовор бўлишди.

Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз касаба союз ташкилотининг меҳнаткашларга зарур шароит яратиш борасидаги иш тажрибаси бошқа хўжаликларда ҳам оммалаштиришга лойиқдир.

М. ҚАЮМОВ.

• Партия турмуши: ошкоралик, демократия ва миллий муносабатлар

● Фарғона водийси қадим замонларданоқ турли ўлкалардан кўчиб келган халқларни ўз бағрига жо қилган. Улар шу ерда бир-бирлари билан ёнма-ён, қўни-қўшни бўлиб яшаб келишган. Ранг-баранг тилларда гаплашувчи ўша элатлар неча асрлардан буён елкама-елка меҳнат қилиб, Фарғонани гуллаган диёрга айлантирганлар. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини биргаликда тотганлар. Водийда ҳозир юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Энг оғир уруш йилларида Фарғона Шарққа кўчирилган юз минглаб кишиларни бағрига олди. Улар орасида ўз юртидан мажбуран кўчирилган халқлар, шу жумладан месхети турклари ҳам бор эди. Умуман, Фарғона учун кўпмиллатлилик тарихий анъанадир.

Турғунлик йилларида областнинг социал-иқтисодий тараққиёти сустлашиб қолгани миллатлараро муносабатлар ҳолатига ҳам таъсир қилди. Ўтган йили бўлиб ўтган фожиали воқеалар мана шундан далолат беради.

Бироқ кейинги пайтларда экономика ва социал соҳадаги қолоқликни рўкач қилиб, миллатлараро муносабатларни ўткирлаштириш йўлига ўтган ғаразгўй кимсалар пайдо бўлди. Ўзларини турли норасмий уюшмалар вакиллари деб кўрсатаётган бундай шахслар аслида миллатчиларнинг тегирмонига сув қуйишяпти. Область коммунистлари, жамоатчилик уларга қаттиқ зарба беряпти. Шу кунларда область коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартиясининг республика халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан ҳаракат дастурини кенг муҳокама қиляпти. «Совет Ўзбекистони» мухбири норасмий ташкилотларнинг областдаги вазиятни нормаллаштиришда тутаётган ўрнига баҳо беришни сўраб бир гуруҳ коммунистларга мурожаат қилди.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ, область партия комитетининг биринчи секретари: — Дарҳақиқат социал қийинчиликларни пеш қилиб турли миллат кишилари орасидаги муносабатларга раҳна солишга интилаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар, масалан, маҳаллий миллат кишиларига «Қара, кўчиб келганларнинг уйлари сеникидан яхши, томорқаси катта. Энг яхши лавозимлар ҳам ўшаларда. Сен эса ўз юртингда иш тополмай юрибсан», деб сафсата сотишади. Барча қийинчиликлар учун гуноҳларни «келгинди»ларга ағдаришади. Афсуски, ана шундай бақироқ демагоглар айрим норасмий уюшмалар, жумладан, «Бирлик» «аъзосиман» деганлар орасида ҳам учрайди. Мен, умуман, бундай норасмий гуруҳларнинг вужудга келишини қайта қуриш жараёнидаги нормал ҳолат деб ҳисоблайман. Чунки маданий меросимизни асраш, экологик муҳитни соғломлаштириш юқори ташкилотлар ташаббусигагина эмас, шу билан бирга халқнинг барча қатламлари қўллаб-қувватлашига ҳам боғлиқдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида алоҳида таъкидланди.

«Бирлик»нинг эълон қилинган низомини кўриб чиқиш унда қўйилган вазифалар билан республика партия ташкилоти олға сураётган таклифлар орасида фарқ камлигини кўрсатади. Аммо битта принципиал фарқни айтиб ўтишни истардим. Норасмий уюшмаларнинг айрим вакиллари ваъда беришни, ҳаммамизга маълум камчиликларни бўрттириб гапиришни, шу йўл билан халқни, айниқса ёшларни алдаб, ўз манфаатларини кўзлаб ташвиқот қилишни асосий вазифа деб билмоқдалар. Айни пайтда партия ва совет ташкилотлари халқимизнинг социал-иқтисодий фаровонлигини юксалтириш йўлида реал ишларни амалга оширишга интиляптилар. Шу йилнинг ўзида халқ ўн йиллар давомида ҳал этилишини орзу қилиб келган каттакатта масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида муҳокама қилиниб ечилаётганлигини ҳамма кўриб турибди.

Норасмий уюшмаларнинг бошқа томони ҳам бор. Айтайлик, «Бирлик» сафига ҳар хил демагоглар, иши юришмаган амалпарастлар, баъзан эса, миллатчилар кириб олиб бу моҳиятан соғлом ҳаракат обрўсига путур етказишяпти. Масалан, мен ҳозирги вақтда ўзини ҳақиқатпарвар ва халқпарвар қилиб кўрсатишга интилаётган, лекин бир вақтлар Тошкент политехника институтининг Наманган филиали директори вазифасидан ҳайдалган, кейинчалик партия сафидан чиқарилган профессорни биламан. Ўша пайтлари давлатнинг катта маблағини ҳамда студентларнинг пахтада ишлаган пулларини ўзлаштирган, шахсий хулқ-атворида жиддий нуқсонларга йўл қўйган, жиноий жавобгарликка тортилган ана шу шахс эндиликда ҳақиқат учун курашчига айланиб қолибди. Фарғонада, Наманганда, Андижонда одамларни Совет Армиясига, ички ишлар қўшинларига қарши гиж-гижлаш билан шуғулланиб юрган Қ. исмли аёлчи? Аслида унинг фирибгарлиги аниқланди. Ўзбек халқига жон қуйдиргандай бўлиб, оддий деҳқон ва ишчиларни лақиллатиб «ўғлингни институтга жойлаймаи» ёки «уй тўғрилаб бераман», деб уларнинг пешона тери тўкиб топган пулларини ўзлаштирган. Албатта, у энди суд олдида жавоб беради.

«Бирлик» ва бошқа норасмий ташкилотлар ҳаракатига қўшилганлар орасида ўтмиши номаълум, баъзан эса илгари судланган, қўпдан бери ишсизмоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, бақироқликни касб қилган кишиларнинг бўлиши афсусланарли. «Бирлик»нинг ана шундай аъзолари унинг ғоясига доғ тушириди, бошқаларда мазкур ҳаракатга нисбатан шубҳа уйготади. У ўз сафларини шубҳали шахслардан тозалаб, байналмилал ҳаракатга айланса умумий вазифаларни, шу жумладан, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, республика тараққиётини тезлаштириш масалаларини ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишимиз мумкин. Областимизда бу йўлда дастлабки қадамлар ташланди. Бироқ халқни партияга, Совет органларига қарши гиж-гижлашга уринаётган, ғайриқонуний иш тутаётган норасмий уюшмаларнинг масъулиятсиз аъзоларига нисбатан муносабатимиз муросасиз бўлиб қолаверади.

Р. ЛЯН, область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари, совет корейслари маданий маркази область кенгашининг раиси: — «Бирлик»нинг программаси менга яхши таниш. Унда қўйилган вазифалар ўринли. Бироқ унинг айрим аъзолари чиқишлари кишини ғазаблантиради. Бундай чиқишларда миллий биқиқликка интилиш, бир миллатни бошқа миллатга қарама-қарши қўйишга уриниш сезилиб қоляпти. Ҳолбуки, ҳозир биз миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидан боришимиз зарур.

Ўтган йили биз совет корейслари область маданий марказини туздик. Чунки, корейслар, айниқса, ёшлар ўз урф-одатлари, тилларини унута бошлаган эдилар. Лекин маданий марказнинг мақсади корейс халқининг урф-одатларини тиклаш эмас, балки уларни ўзбек, рус маданиятлари бойлиги билан яқинроқ таништиришдан ҳам иборатдир. Менимча, ҳар қандай жамоат ташкилоти, хоҳ у норасмий ёки расмий бўлсин, биринчи галда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ҳақида қайғуриши лозим.

В. МУЗАФФАРОВ, партия, уруш ва меҳнат ветерани: — 1931 йилдан буён Ўзбекистон матбуотида ишлайман. 1938 йилда республикада янги областлар ташкил этилганда Акмал Пўлат ва Тўлаган Соатов учаламиз Фарғонага келиб шаҳар газетаси негизида область «Коммуна» газетасини чиқара бошлаганмиз. Ўша пайтларда турли миллат кишиларининг мақолаларини тайёрлардик. Бироқ ҳеч қачон миллат ажратган эмасдик. Мен Татаристон заминида туғилганман. Ўзбекистонни иккинчи Ватан билиб яшаб қолдим. Тақдиримдан норози эмасман. Шу кунларда айрим ёшлар орасида миллат ажратиш каби ярамас томонга оғиш сезиляпти. Бирон бир миллатга мансублик билан чираниш, гердайиш ақлли одамнинг иши эмас. Яқинда биз — ветеран журналистлар «Мерос» тарихий географик клубини туздик. Клубнинг асосий мақсади областда яшовчи барча халқларнинг маданий мероси билан кишиларни таништиришдир. Биз «Бирлик»чилардан қуруқ ваъзхонлик эмас, балки, мана шундай аниқ, амалий ишларда ёрдам беришларини кутамиз.

М. МАДҒОЗИЕВ, Фарғона давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди: — Турли регионларда юз бераётган миллатлараро низолар аслида миллий масала бобидаги марксча-ленинча дастурига узоқ йиллар риоя қилинмаганлиги, айрим халқларнинг ҳуқуқлари қўпол равишда бузилганлиги оқибатидир. Қаранг, бизнинг кўп йиллар давомида фаластин халқига ватан олиб бериш учун кураш олиб бордигу, бироқ, шундоқ ёнимиздаги жабрдийда қрим татар халқининг қонуний талабларини эшитишни, уларни ўз диёрларига қайтаришдек ҳаққоний талаблари ўз вақтида ҳал этилганида, эҳтимол, май ва июнь ойларида Фарғонада юз берган фожиали воқеаларнинг олди олинган бўларми-ди? Шу жиҳатдан «Бирлик» ҳаракатининг республикамиз манфаатларини ҳимоя қилишга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга аҳд қилиб майдонга чиққанлигини табрикласа бўлади. Улар областимизда ҳам иш олиб боришяпти. Бироқ мен бир нарсага эътиборни қаратишни истардим. Илгари ўз рақибларидан ўч олиш учун «юмалоқ хат» ёзишни одат қилган айрим «шоввозлар» бугунги кунда «Бирлик» номидан ҳам гапиришга уринишяпти. Бундай кимсалар «Бирлик»ни бадном қилади, холос. Назаримда «Бирлик» фақат ўз ҳаракат дастури белгилаб берган йўлдан бориб, ўз низоми доирасида фаолият кўрсатсагина обрў қозона олади. «Бирлик» ўз низомини у ёки бу тарзда бузаётганлардан қанчалик тез қутулса шунчалик яхши бўларди.

А. АБСАМАДОВ, Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси: — Колхозимизда одамларга томорқа ери бериш масаласи анчадан бери муаммо бўлиб келади. Партия ва ҳукуматимизнинг бу соҳадаги қарори айни муддао бўлди. Биз ўтган йилнинг ўзида 844 та оилага ер бердик. Дашт жойларда 25 сотихдан, қишлоқ ичида эса 20 сотихдан ер ажратяпмиз. Тўғри, муаммолар ҳам йўқ эмас. Тоза ичимлик суви, табиий газ шулар жумласидан. Пахта нархини албатта ошириш керак. Бироқ бунинг учун фақат «Бирлик» қурашаётгани йўқ-ку! Биз — коммунистлар, хўжалик ходимларининг мақсади ҳам шу, албатта. Демак, бирга ишлашимиз керак. Аммо «Бирлик» айрим аъзоларининг миллатлараро муносабатлардаги позицияси бизни ташвишлантиряпти. Масалан, колхозимизда турли миллатларнинг вакиллари яшайдилар. Аммо кишиларни миллатига қараб ажратмаймиз. Эшитишимизча, Фарғонадаги рус тилида гаплашадиган кишилар орасида «Интерҳаракат» деган ташкилот тузиш хусусида гап бўляпти. Ўзбеклар эса кўпроқ «Бирлик» ҳаракатига аъзо бўлишяпти. Бу қанақаси бўлди? Агар норасмий уюшмалар миллий белгига қараб тузилиб, миллатларни дўстлаштириш ўрнига орага нифоқ солса бундай ҳаракатнинг боридан йўғи яхши! Зеро, фарғоналиклар миллатлараро низонинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини ўз бошларидан кечирдилар...

Р. ТОШМАТОВА, Фарғона илмий-ишлаб чиқариш ипакчилик бирлашмаси тўқувчиси: — Мендан кўпинча ҳамкасбларим «Робахон, сен область партия комитети бюроси аъзосисан, «Бирлик»чилар нимани исташади ўзи?» деб сўрайдилар. Шундай пайтларда ёдимга доимо менинг қадрли мураббийим Байрам ака Сефатов тушади. У менга касби сирларини ўргатган ди. Устоз бўлган эди. Меҳнаткаш, ҳалол, покиза бу инсоннинг фақат миллати турк бўлгани учунгина уйига, машинасига ўт қўйилиши ҳеч ақлимга сиғмайди. Нима учун ахир?! Бир-иккита турк безориси ҳаддан ошган бўлса, бутун халқ айбдорми? Яқинда Байрам ака келди. У Белгород областида яшаётган экан. «Ўзбеклардан хафа эмасман, бироқ шундай ҳол қайта такрорланмаслиги керак» дейди у. Цехимизда қрим татар Э. Тараманова, корейс Н. Цой, рус В. Некрасова ва бошқалар баҳамжиҳат ишлаймиз. Июнь тўпалонларига қадар орамизда ҳеч қандай ётсираш сезилмас эди. Афсуски, ўша фожиалар ўзаро муносабатларимизга хиёл соя солгандай бўлди. Биз — коммунистлар мана шу кўнгилхираликни орадан олиб ташлаш, дўстликни мустаҳкамлаш учун барча ишни қиламиз. Агар «Бирлик» бу соҳада биз билан ҳамфикр бўлса, курашса, унга раҳмат. Зеро Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида ҳам «партия норасмий уюшмалар ва ҳаракатлар билан мулоқот олиб боришга тайёрлигини билдиради, аммо улар социализм ва интернационализм ҳаракат дастурига амал қилиши, совет қонунларига қатъий риоя этиши шарт» деб очиқ-ойдин айтилди. Аммо мен ишчиман, шунинг учун гапнинг лўндасини айтиб қўяқоламан: мабодо «Бирлик» олға боришимизга халал берадиган бўлса, унинг бизга мутлақо кераги йўқ!

С. КАЗАКОВ, ЎзССР Давлат хавфсизлиги комитети область бошқармаси бўлими бошлиғи: — Кўп кишилар чекистларнинг «Бирлик»ка муносабати билан қизиқишади. Умуман олганда бу яхши ташкилот. Агар у ўз программаси ва уставини сўзда эмас, балки амалда бажарадиган бўлса, халқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлади, қайта қуришга ёрдам беради. Бироқ ҳар қандай норасмий ташкилот каби «Бирлик» ҳам турли характерли кишилардан ташкил топган. Айрим жойларда қийинчиликларни рўкач қилиб обрў орттиришга уринаётган масъулиятсиз кишилар унга раҳбарликка ўтишга интилишяпти. Улар баланд-парвоз, «инқилобий», бақирик-чақириқлар билан ниқобланишяпти. Ана шундайлар халққа катта зарар келтириши мумкин. Бир мисол: область территориясида ҳаракат қилаётган ваҳобийлар «Бирлик» ҳаракатининг энг сўл қаноти билан келишган ҳолда кенг омма билан алоқа ўрнатишга уринишяпти. Ўтган йили Қўқонда рухсат берилмаган митинг ўтказилгани ҳам ана шундай муносабатнинг маҳсули бўлди. «Бирлик» ҳамда «Одамийлик ва раҳм-шафқат» деб аталувчи норасмий гуруҳ томонидан ташкил этилган бу йиғинда партия ва совет органлари билан зиддият муҳити ҳукмрон бўлди. Бундай чиқишлар халққа фақат зарар келтириши тарихда кўп кўрилган. Ана шундан келиб чиқиб мен Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида «миллий негизда, тил боисидан ёки ижтимоий негизда оммавий ёхуд гуруҳ-гуруҳ бўлиб тартибсизликлар чиқаришнинг ҳар қандай кўринишлари, мутлақо йўл қўйиб бўлмайди», деб жуда ҳам тўғри кўрсатилди, деб биламан.

«Совет Ўзбекистони» мухбири «Бирлик» ҳаракатининг Фарғона область уюшмаси раиси, драматург И. ТУРСУНОВга ҳам шу савол билан мурожаат қилди.

— Тўғри, орамизда айрим қизиққонларнинг борлиги ҳам сир эмас, — деди у. — Масалан ўтган йили пахта йиғимтерими даврида вилоятнинг баъзи ноҳияларида аҳолини иш ташлашга, пахтани термасликка даъват этувчи варақалар пайдо бўлди. Аммо бу варақалар муаллифлари йил давомида меҳнат қилиб, ҳосил етиштирган, ундан олинадиган даромад билан болачақасини боқишга умид қилиб турган деҳқон ҳақида ўйламадилар. Наҳотки, пахта нархини ошириш ягона йўли шу бўлса? Бундай ташқари Тошкентдан келиб солиб, биздаги вазиятни, Фарғона халқининг, чуқур дард ва изтиробини англаб етмай «оташин» нутқлар билан одамлар эҳтиросини қўзғотишга уринаётган баъзи «меҳмонлар» ҳам бор. «Бирлик» ундайлардан ўзини ҳоли ҳисоблайди. Миллатлараро муносабатлар масаласида биз ҳам иш олиб боряпмиз. Областда тузилган «Интерҳаракат» норасмий уюшмасининг раҳбарлари билан бир неча бор мулоқотда бўлдик. Область партия комитетининг ташаббуси билан ҳар икки норасмий уюшма раҳбарлари учрашдик. Маълум бўлишича бизнинг интилишларимиз, қизиқишларимиз деярли бир хил экан. Ҳозирги пайтда «Интерҳаракат» «Бирлик»ка қўшилиб кетиш арафасида...

Ш. ЙЎЛДОШЕВ: — Олдимизда ташкилий, сиёсий, идеологик ва кадрлар билан ишлашнинг барча соҳаларида миллий омилни кўпроқ ҳисобга олган ҳолда иш кўриш вазифаси турибди. Область партия комитети Фарғона регионидаги социал жараёнларни ўрганиш бўйича Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти ҳузурида илмий марказ ташкил этишга қарор қилди. Область партия комитети структураси доирасида эса миллатлараро муносабатлар сектори ташкил этилади.

Ҳар биримиз Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурини қандай амалга оширишимизга кўп нарса боғлиқ. Коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам, қолаверса, норасмий уюшмаларнинг вакиллари ҳам кишиларимиздаги маънавий бойликни муқаддас сақлаши ва кўпайтиришлари зарур. Халқлар дўстлиги эса ана шу бойликларнинг энг муҳими ва муқаддасидир. Мақсадларимиз муштарак бўлса бу дўстлик авлоддан авлодга ўтиб бораверади.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» мухбири А. ИБОДИНОВ ёзиб олди.

МУҚАДДАС ИШИМИЗ МАСЪУЛИЯТИ

ОШКОРА МУЛОҚОТЛАР, ЎЗАРО МАҚБУЛ ЁНДАШУВЛАРНИ ИЗЛАШ

ВИЛЬНЮС, 9 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Литва ССРда КПСС Марказий Комитети Пленуми қатнашчиларидан бир группасининг республика коммунистлари, партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари билан учрашувлари давом этмоқда. Литванинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш йўллари тўғрисида, ССР Иттифоқини ривожлантириш ҳақида қизғин фикрлашиб олинмоқда, Литва Компартиясининг XX съездидан кейин юзага келган муаммоларни ҳал этишга ўзаро мақбул ёндашувлар изланмоқда.

Сешанба куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. А. Медведев эрталабдан то ярим кечагача меҳнат коллективлари билан учрашди. У Кайшядорис районидаги «Правена» колхозида бўлди, Каунасдаги «Координате» станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Каунас партия фаоллари билан, партия ва меҳнат ветеранлари билан ҳам учрашди.

Ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, зиёлилар билан ошкора ва батафсил суҳбатлар чоғида одамларни ташвишлантираётган жуда ўткир масалалар ўртага қўйилди. Литва Компартияси XX съезди қарорларини фаол қўллаб-қувватлашдан тортиб, уларни кескин танқид қилишгача ғоят қарама-қарши фикрлар айтилди. Шунга қарамай, қайта қуриш манфаатларини кўзлаб чинакам демократик асосда кучларни жипслаштиришга интилиш мунозаранинг йўналишини белгилади. Республикада вужудга келган ижтимоий кескинлик ҳеч бир ҳолатда мухолифликка айланиб кетмаслиги зарур, деган фикр айтилди. Ижтимоий кескинлик мухолифликка айланиши ғоят хатарли бўлур эди. Учрашув қатнашчилари турли қарашларнинг вакилларига республика ва умуман ССР Иттифоқи манфаатларини кўзлаб, ўзаро мақбул позицияларни ишлаб чиқиш учун музокаралар столи атрофига ўтиришни таклиф этдилар.

В. А. Медведев КПСС—қайта қуришнинг ташаббускори ва бугунги кунда унинг асосий кафолатчиси бўлиб қолмоқда, деди. Қайта қуриш йиллар давомида тўпланиб қолган бир қанча иқтисодий, социал ва миллатлараро муаммоларни юзага чиқарди. Бу масъулиятни, вазминликни, ақлзаковатни талаб этади. У январь ойининг охирида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўтказилишини маълум қилди. Пленумда КПССнинг сиёсий ҳаракат дастури қабул қилинади. Партия ўзининг XXVIII съездига ана шу ҳаракат дастури билан боради. Ҳаракат дастури партияда бир қанча туб ўзгартишларни амалга оширишни таклиф қилиши лозим. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг, партия ташкилотларининг мустақиллигини, партия ҳар бир аъзосининг ролини кескин ошириш назарда тутилади. Мазкур программа тараққиёт ҳозирги босқичининг энг муҳим вазифаларига мос бўлиши керак. Шу муносабат билан В. А. Медведев гўё партиянинг ўзи қайта қуришга тўсқинлик қила бошлади, бошланган ўзгаришларни тўхтатишга уринмоқда, деган фикрга қўшилмаслигини айтди.

Учрашувларда Литва тарихининг кўпинча қарама-қарши тарзда талқин этилган турли жиҳатлари тилга олинди. Тарихни танлаб олинган тарзда эмас, балки унинг асли ҳолича кўра билиш зарурлигига эътибор қаратилди. Воқеликни бўяб кўрсатиб бўлмайди, бироқ республика ССР Иттифоқи таркибида қўлга киритган ижобий натижалар тўғрисида индамаслик ҳам мумкин эмас.

Янги йил республика учун иқтисодий мустақиллик шароитида ишлаш йили бўлади. Табиийки, бу мавзу кўпчиликни тўлқинлантирди. Учрашув қатнашчилари, хусусан, шартнома мажбуриятлари барбод этилаётганлиги, республикага сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилаётганлиги тўғрисида мисоллар келтирдилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари бунга жавоб қайтариб, иқтисодий мустақиллик парокандаликка, таркиб топган алоқалар узилишига олиб келмаслиги зарурлигини таъкидлади. Бундай интизомсизлик ҳолатлари, афсуски, фақат Литвада тез-тез учраётгани йўқ. Уларни аниқлаш, тагтомири билан тугатиш, аммо уларга сиёсий тус бермаслик керак.

Литва меҳнаткашлари ўз нутқларида қайта қуришни қўллаб-қувватладилар, М. С. Горбачевга ишонч билдириб, унинг республикага келишини кутаётганликларини айтдилар.

Энг муҳим муаммоларни кенг кўламда муҳокама қилишда Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Бурокявичюс, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов иштирок этдилар.

Яқинда Игналина атом электр станциясининг меҳнат коллективи ва партия фаоллари билан учрашув бўлиб ўтган Снечкус шаҳрида ҳам, шунингдек 9 январь куни Клайпедада, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков «Балтия» кемасозлик заводида бўлган вақтда ҳам Литва Компартияси XX съезди-нинг маълум қарорларидан кейин республикада кескинлашиб кетган сиёсий вазият мураккаблиги хилма-хил тарзда намоён бўлди.

Ҳар иккала жойда ҳам кўплаб меҳнаткашлар вужудга келган вазиятда Литвани ривожлантиришнинг бўлажак йўллари хусусида чуқур хавотирлик изҳор қилдилар. Улар ўз корхоналарининг тақдиридан ва ўзларининг тақдиридан ташвишга тушмоқдалар, чунки Совет Иттифоқидан ажралиб чиқиш йўли уларнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориши, ҳатто барбод қилиши мумкин. Бунда гап уларнинг ва улар фарзандларининг келажаги тўғрисида бормоқда.

Игналина атом электр станцияси коллективида ҳам, «Балтия» заводида ҳам меҳнаткашлар Литва Компартияси XX съездининг қарорлари шошма-шошарлик билан, пухта ўйланмай қабул қилинган қарорлар, деган фикрни айтдилар. Кемасозлар — уруш ва меҳнат ветерани, партия ветерани В. Ф. Жидоусов, инженер Л. Г. Лазаренко, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Е. В. Соколов, дирекция таржимони С. А. Карабут ва сўзга чиққан бошқа кишилар КПСС бирлигини, СССР бирлигини мустаҳкамлаш, Литвани тенг ҳуқуқли совет республикаси сифатида сақлаб қолиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Маъмурий-буйруқбозлик системасини, раҳбарликнинг эскирган усулларини узил-кесил тугатиш юзасидан етарли даражада дадил чоралар кўрмаганликлари учун марказий партия ва давлат органлари шанига ҳам танқидий фикрлар айтилди.

Ю. Д. Маслюков мамлакатдаги, унинг айрим регионларидаги сиёсий вазият ҳақида, шунингдек иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни жадаллаштиришга доир тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди. У КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, СССР ҳукумати КПССни ва халқ хўжалигининг иқтисодий структураларини янгилашга қаратилган изчил ва собитқадам иш олиб бораётганлиги ҳақида ахборот берди.

Ю. Д. Маслюков Литва коммунистларининг яқинда қабул қилган қарорлари муносабати билан шундай деди: демократиялаш моҳияти шундан иборатки, у бир-бирини тушунишни назарда тутади. Турли томонларнинг фикри ва далил-исботларини тинглаб, ана шундай хулосага келиш зарур. Реал вазиятни ҳисобга олиб, қизишмаслик, балки осойишта ва сергаклик билан барча фикрларни таққослаш зарур.

У иқтисодий асослар ва ҳисоб-китоблар билан мисоллар келтирди, Литва СССР таркибида бўлган йилларида унинг хўжалиги ривожланиши даражаси қанчалик юксалганлигини кўрсатиб берди.

Ю. Д. Маслюков миллий муносабатлар муаммолари билан боғлиқ кўпгина саволларга жавоб қайтариб, совет ҳукумати республикада истиқомат қилаётган граждан-лар, уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ҳар қандай ҳолатда ҳам ғамхўрлик қилади, уларнинг социал ҳимояланишига ҳамиша кафолат беради, деб ишонтирди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Клайпеда денгиз савдо портида ва «Сириус» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлди.

Кечқурун шаҳар партия фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди.

* * *

8 ва 9 январь кунлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг Литва ССРга келган бошқа қатнашчилари республика коммунистлари билан учрашдилар, партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларидаги вазиятни ва кайфиятни ўргандилар. СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов Литва ССР Фанлар академияси илмий кенгаши аъзолари ва партия фаоллари билан суҳбатлашди, Игналина АЭСида бўлди, Снечкус шаҳри аҳолиси билан учрашди. СССР электрон саноат министри В. Г. Колесников Вильнюсдаги «Вента» ва «Вингис» бирлашмаларининг коллективлари билан учрашди. СССР министрлар совети Озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси В. В. Никитин Вильнюсдаги теплица комбинатининг, Кедайняй районидаги Литва деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг иши билан танишди.

Республика маданият ва санъат арбоблари билан ўтказилган суҳбатлар самаралі бўлди. РСФСР театр арбоблари уюшмаси правлениесининг раиси М. А. Ульянов Литва театр ходимлари билан суҳбатлашди. Украина ССР Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг секретари, СССР Олий Совети Миллатлар совети раисининг ўринбосари Б. И. Олейник литвалик ёзувчилар билан учрашди.

ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

Самарқанд шаҳридаги «Орбита» сервиси аҳолига хизмат кўрсатиш борасида анча тажриба тўплаган. Бу ерда қўли гул усталар меҳнат қилишади. Маматжон Абдуллаев ана шундай ноёб ҳунар эгасидир. У мана ўн йилдан бери шу корхонада гадиномеханик бўлиб ишлайди. Моҳир уста кафолатли ремонт цехида ишлаб, катта тажриба орттирди. Энг муҳими, унинг хизматидан замондошларимиз хурсанд бўлишаётир. Уста ёш бўлишига қарамай турли маркадаги телевизорларни ва радиоприёмникларни сифатли ремонт қилади. У ўтган йили меҳнатда катта ютуқларга эришганди. Айни кунларда эса зарбдорларча меҳнат қилиб, кунлик топшириқларни 130—140 процентга уддалаётир.

Суратда: моҳир уста Маматжон Абдуллаев.

Ғ. АЛИЕВ сурати.

ХУШХАБАРЛАР

ҚИШ — ИШ МАВСУМИ

● Сирдарё областининг тоғ этагида жойлашган «Фориш» совхози буғдой зорларига яшил гилам тўшалгандек бўлиб қолди.

Яхши ишлов берилган ерга экилган уруғлик бир текис униб чиқди. Шунга қарамай, форишлик деҳқонлар ҳозир дам олиш кунларисиз ишлашмоқда. Чунки йил бошида ёғингарчилик одатдагидан кам бўлди ва тупроққа нам етишмаслиги мумкин — шунинг учун кўпгина участкаларда қўшимча суғориш ишлари бошлаб юборилди. Экинлар яқин атрофдаги тоғ дарёларининг суви билан суғорилмоқда. Айни пайтда далаларга ўғит солинмоқда.

ТАШАККУРНОМА

● Андижон область Фрунзе номли совхоз меҳнаткашлари юқори сифатли уруғлик етказиб берганлари учун Татаристондан ташаккурнома олдилар.

Ўтган мавсумда бу ерда пиёз, сабзи, турп, лавлаги уруғларидан мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонлар пландан ташқари бутун маҳсулотни мамлакатнинг бошқа регионларига жўнатдилар. Уни сотишдан тушган маблағ янги турар-жой посёлкаси, маданият саройи ва соғломлаштириш комплексини қуришга сарфланади.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

● Аввал болалар боғчаси, сўнг фабрика, Андижон районидаги Хирабек қишлоғида қурилаётган тикувчилик-трикотаж фабрикаси учун 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Уни «1-Облагропромстрой» 106-механизациялашган колоннаси ишчилари бунёд этишди. Боғча қишнида келаси йили иш бошлаши лозим бўлган фабрика цехлари қад кўтармоқда. Бу ерда қишлоқ аҳолисидан деярли 600 киши ишлайдиган бўлади. Яқин орада фабрика билан ёнма-ён уй-жойлар, янги ижтимоий-маиший иншоотлар қурилиши бошланади.

ИЖАРА АСОСИДА

● Термиз шаҳрида рефлекс билан даволайдиган пулли компьютер маркази очилди.

Бу ерда Японияда тайёрланган электрон-ҳисоблаш машинаси ўрнатилган. Маълумки, ҳозирги пайтда кўп касалликларни даволашда игна билан муолажа этиш қўлланилмоқда. Ана шу электрон-ҳисоблаш машинаси ҳар бир бемор учун қанча игна муолажаси кераклигини бехато аниқлашга имкон беради. Бу қурилма область комсомол комитети ҳузуридаги «Лаҳл» савдо-сотиқ бирлашмаси маблағига сотиб олинди ва шифокорларга ижарага берилди.

(ЎзТАГ).

• СОВЕТ ХОДИМИ МИНБАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан эълон қилинган ҳаракат дастури республикамизнинг миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг энг муҳим, принципиал масалалари аниқ-равшан, муфассал, мавжуд аҳволни бўямасдан баён этиб берилганлиги билан диққатга сазовордир. Шу боис ҳаракат дастурини меҳнаткашлар тўла қўллаб-қувватлашяпти, ўз фаолиятларининг асосий йўналишлари сифатида қабул қилишяпти.

РЕЖАЛАР КЎЛАМИ КАТТА

ЯҚИНДА область Советининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар воҳамизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг келгуси йилга мўлжалланган давлат планини ҳар томонлама синчиклаб муҳокама қилдилар. Сир эмаски, илгарилари ҳам худди шундай масалалар сессияларнинг кун тартибига қўйилиб келинган. Акс ҳолда юқоридан берилган бу планлар қарийб ўзгартиришсиз, регионнинг шарт-шароити, имкониятлари, анъаналари ҳисобга олинмасдан дабдабабозлик билан қабул қилинаверган. Оқибати маълум. Бутун мамлакатимиздаги каби областимизнинг иқтисодий турмуши ҳам танг аҳволга тушиб қолди. Қайд этиш керакки, бу йилги режаларни белгилашда ҳам ўша эски усулнинг таъсири сезилиб турибди. Буни биринчи навбатда айрим соҳалар бўйича топшириқларнинг моддий техникавий ва товар таъминоти эҳтиёжга номутаносиб равишда белгиланганида кўриш мумкин.

Биз 1990 йилги план лойиҳасини тузишда ўтмишдаги хатолардан сабоқлар чиқариб олишга интилдик. Айниқса, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга янгича ёндашувларни қидирдик. Шундай экан, савол туғилади. Планга принципиал янгича муносабатларнинг моҳияти нималардан иборат? Аввало, у қуйидан — корхоналар, бирлашмалар, трестлар ва хўжаликлардан тушган таклифлар инобатга олиниб, барча халқ хўжалик комплексларини қамраб олувчи балансларни ва ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилди. Энг муҳими, режада кишиларнинг турмуш тарзларини яхшилаш юзасидан имкони борича кўпроқ чора-тадбирлар белгилашга алоҳида аҳамият берилган. Яна бир характерли жиҳати областимизнинг планлаштириш тажрибасида биринчи марта икки хил мустақил лойиҳа тайёрланди. Уларни муҳокама қилиш, энг мақбулини танлаб олишда меҳнат коллективларининг раҳбар мутахассисларидан тортиб то партия ходимлари, депутатларгача фаол қатнашдилар. Пировард натижада ўтган йилларга нисбатан ҳаётийлик касб этган планни ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида ижтимоий соҳага катта эътибор қилиниб, аҳоли барча табақаларининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш партия комитетларининг асосий бурчи деб таъкидланган. Бу ҳақиқатан оқилона йўлдир. Чунки эндиликда бу соҳадаги тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этмасдан туриб иқтисодий йўналишда ҳам олға силжиш мумкин эмас. Масалан, ҳозирги кунда Хоразмда 36 минг киши уй-жойга навбатда турибди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши медицина нормасига нисбатан ўртача икки марта кам. Яқинда диспансер кўригидан ўтказиш натижалари 80 фоиз кишининг у ёки бу касалликка чалинганини билдирди. Бу каби ташвишли мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Табиийки, уларнинг ҳаммаси турғунлик йилларининг асоратидир. Лекин ўтмишни танқид қилавериш, муаммо ва камчиликларни унинг бўйнига юклаб қўяверiш, қуруқ шиор ҳамда ваъдаларни олдинга ташлайвериш билан аҳвол ўзгариб қолмайди. «Бугунги кунда биз ҳаммамиз ҳозирги вазият тақозо этаётган маромда меҳнат қилишимиз зарур, — деб қайд этилади КПССнинг совет халқига Мурожаатномасида. — Ана шундагина шубҳасиз режаларимизни амалга оширамиз»...

Дарҳақиқат, шундай. Масъулиятли вазифаларга фақат фидокорона меҳнат, қатъий интизом ва юксак уюшқоқлик туфайлигина эришилади. Хоразмлик меҳнаткашлар уни ўзларининг ўтган йилги муваффақиятли иш натижалари билан амалда ифодаладилар. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пахта, пилла, полиз, дон, гўшт каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш планлари ошириб бажарилди. Ўтган йил 1988 йилга нисбатан 3500 ўринли мактаб, 600 ўринли болалар боқчалари кўп ишга туширилди. Касалхона, поликлиникалар қуриш суръатлари ҳам режадагидек боряпти. 50 минг кишининг уй-жой шароити яхшиланди. Бошқа соҳаларда ҳам, ана шундай ўсишларга эришилди.

Бироқ айни бу суръатлар кишиларни қониқтирмаяпти. Боиси, бу аҳолининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини оқламаяпти. Турган гапки, 1990 йил режаларини тузишда бу масалалар назарда тутилди ва уларга ғоят масъулият билан ёндашилди. Мисол учун барча манбалар ҳисобига 580,8 минг квадрат метр, яъни 1989 йилга қараганда 12 фоиз уй-жой кўп бунёд этилиши, капитал маблағларни ўзлаштиришдаги қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 121,3 фоизга етказилиши зарур. Ўтган йили 16 миллион сўмдан ортиқроқ капитал маблағ ўзлаштирилмасдан қолиб кетганлигини ҳисобга олсак бу борадаги юмушларнинг нечоғлиқ катталигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўз навбатида бундай вазифа қурувчилардан аввалгидай бўшашувчанлик, турли хил баҳоналарни кўрсатишни эмас, балки ташаббускорлик, масъулият ва тартиб-интизом билан қилишни тақозо қилади.

Пахтачиликда тутилган йўл деҳқонларни мамнун қилди. Пахта тайёрлаш ҳажми бурноғи йилга нисбатан 40 минг тоннага камайтирилди. У ҳозир экин майдонларимизнинг 60 фоиздан сал знёдрогини ташкил қиляпти. Пахтадан бўшаган ерлар аҳолига томорқага, боғ-роғлар яратиш мақсадида ажратиляпти. Хусусан, томорқа учун 12446 гектар майдон деҳқонларга бўлиб берилянти. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни эса 24 фоизга ошириш мўлжалланяпти. Шундай ижобий жараёнларни областимиз иқтисодий ва ижтимоий турмушининг барча соҳаларида кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда режалар кўлами катта. Олдиндаги вазифалар масъулиятли. Уларга эришишда ишлаб чиқаришнинг барча поғоналарида хўжалик ҳисобини жорий этиш, меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ижара пудратини чинакамига йўлга қўйиш бош ролни ўйнайди. Шу билан бирга КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатида Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида кўрсатиб берилганидек, режаларни амалга оширишда аниқ мақсадни кўзлаб фидокорона меҳнат қилмасак ҳеч қандай «мўъжиза механизм» ёки хўжалик ҳисоби бизга ёрдам беролмайди. Шунинг учун областимиз меҳнаткашлари иқтисодий-ижтимоий ҳаётни тўла соғломлаштириш, улар тараққиётини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш учун ҳозирдан енг шимариб ишга киришмоқдалар.

Б. РАЖАБОВ,
Хоразм область ижроия комитети раисининг ўринбосари.



Тошкент. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси. Жамоатчи сураткаш А. ЖДАНОВ бинони ана шундай кўринишда тасвирга туширди.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЭЪТИРОФ

Тошкент шаҳрида аҳолига медицина хизмати қандай йўлга қўйилган? Мухбиримиз М. АВЕЗОВ шу ҳақда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Тошпўлатович РИЗАЕВ билан суҳбатлашди.

— Қулаҳмад Тошпўлатович! Тошкент шаҳар медицина муассасаларининг аҳволи янги раҳбар сифатида Сизни қониқтирадими?

— Мутлақо қониқтирмайди. Мана шу икки ой мобайнида шаҳардаги 300 га яқин шифохона ва поликлиникаларни кўриб чиқиб, жуда ачиниб кетдим. Наҳотки 21 аср бўсағасида яшаб турсаг-у «замонавий» медицинамиз шундай хароб аҳволга тушиб қолган бўлса? Ҳатто кишининг ишонгиси келмайди.

— Демак, у ҳолда уни ўнглаш учун қандай чора-тадбирлар кўрдингиз ёки кўрмоқчисиз?

— Аввламбор, шаҳар медицина ходимлари билан юзма-юз гаплашиб олдик. Ночор аҳволни ўнглашга кадрларимизнинг куч-ғайрати, иқтидори етишига амин бўлдим. Буни ҳар бир учрашувда ҳис қилдик. Шу ўринда шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарларига кўп минг сонли врачларимизнинг миннатдорчилигини олдиндан айтиб қўймоқчи эдим. Бошқармамиз давлатдан салкам бир миллион сўм қарз бўлиб келаётган экан. Ана шу қарздан қутилиб, яна бошқа зарур асбоб-ускуналар сотиб олишимиз учун янги бинолар қуриш учун имкони борича шаҳар раҳбарлари қайишяпти. Кўп жойларда қисқарган ташкилот ва идораларнинг биноларини ўзимизга мослаб оляпмиз. Биз бу соҳадаги ишни ҳали кўп ва қатъий туриб давом эттирадиганга ўхшаймиз.

Айни чоғда врач-кадрларимизнинг малакасини муттасил ошириб боришга, ўзаро тажриба алмашишга келишиб олдик.

— Редакциямизга келаётган ариза-шикоятларда шаҳардаги аксарият касалхона ва поликлиникаларда ҳатто оддий шароитларнинг йўқлиги, уларда замонавий даволаш техника жиҳозларининг етишмаётгани ва уларда навбатнинг кўплиги ҳақида куйиниб ёзишади.

— Ҳақ гап. Бундай ҳақли эътирозларни бизга ҳам билдиришмоқда. Лекин бир нарсани мантиқан тушунишингизни истардим. Айтайлик, бир иморат ёки бутун бошли шаҳар бир кунда ёки бир ойда битмайди. Агар уни шошилинч қурсангиз, гули-гулига тўғри келмаса у бино қурилиб битмасидан нурай бошлайди. Шаҳар медицинасидаги камчиликлар ҳам бир кун ёки бир йилда пайдо бўлган эмас. Унинг бугунгидай аянчли ҳолга тушиши бир неча ўн йиллардан бери давом этиб келган.

Янги раҳбар сифатида мен шу пайтгача асосан жойлардаги аҳволни ўргандим. Энди бор куч ва билимимизни уни яхшилашга сарфлаймиз. Иморатлар қурамиз, борларини ремонтлаб реконструкциялаймиз, замонавий медицина асбоб-ускуналари сотиб оламиз. Бу ишларни йўл-йўлакай режалаштирдик ва зарур ишларни аллақачон бошлаб юбордик.

Масалан 72 йилдан бери бир бойнинг ҳовлисида ишлаб келган ва ҳозирга келиб вайронага айланган Себзордаги 9-поликлиникани яқинда замонавий янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 5 қаватли бинога кўчирдик. Аҳолини хурсанд бўлганини кўрганингизда эди...

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг талабига кўра 14-шаҳар поликлиникаси қошида санъат намояндалари учун ҳам барча шароитларга эга бўлган янги даволаш масканини очишга муваффақ бўлдик. Бу ҳам санъат аҳли учун яхши совға бўлди.

Мен ваъда беришни ёмон кўраман. Лекин орадан маълум муддат ўтгач, бугунги аянчли аҳвол билан эртанга вазиятни солиштирганда анча фарқ бўлишига аминман.

— Врачларнинг тажрибасизлиги, масъулиятсизлиги ва уларнинг қўпол муомаласидан нолиб ёзаётганлар ҳам оз эмас...

— Фикрингизга қўшиламан. Аксарият врачларимизнинг нўноқлиги, тажрибасиз ва масъулиятсизлиги — бор гап. Баъзи медицина олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тартиб-интизом бўшашиб келган. Қолаверса, бу билим даргоҳлари бундан эллик, олтмиш йил олдин қандай таълим-тарбия берган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Яъни ўқитиш методикаси ўзгармаган. Талабаларни танлаб олиш ҳам кўнгилдагидай эмас. Кўпинча бошқа ўқув юртларига киролмаган абитуриентлар тасодифан медицина соҳасига ўтиб қоляптилар. Энг асосийси, мактабларда, айниқса қишлоқ жойларида бошланғич таълимнинг саёзлигидир.

— Болалар соғлиғи республикамизда жуда ачинарли аҳволда эканлигини биласиз. Тошкент шаҳрида ҳам яхши эмаслиги ҳеч кимга сир эмас...

— Келажагимиз бўлмиш — болалар соғлиғини муҳофаза қилиш қониқарсиз аҳволда эканлиги республикамиз раҳбарларидан тортиб, ҳар бир медицина ходимини қаттиқ ташвишлантиряпти. Шунинг учун ҳам ишни биринчи галда болалар шифохона ва поликлиникаларини тартибга солишдан бошладик. Идора ва ташкилотлардан олинган биноларни фарзандларимиз учун мослаштиряпмиз. Улар учун ихтисослаштирилган санаторий ва бошқа даволаш марказлари барпо этиш асосий мақсадимиз. Болалар врачлари малакасини ошириш, улар учун ноёб дори-дармонларни кўпайтириш, ялпи диспансер кўригидан ўтказиш шулар жумласидандир.

— Шаҳарда санитария-гигиена хизмати ҳам қониқарсизлиги ҳақида сигналлар бор. Бу соҳада қандай янгиликлар қилмоқчисиз? Яна бир савол. Экологияни?

— Кўнглимдагини топдингиз. Тошкент шаҳри санитария-гигиенаси ва экологик аҳволи ачинарли ҳолда эканлиги тўғри. Шаҳримизда ифлосланмаган бирорта кўча, бирорта анҳор ёки бирорта хиёбон қолмади. Шаҳримиз ҳавоси бузилиб кетган. Айрим уйларнинг ташкилотнинг ҳатто қаерда жойлашганини ҳам билишмаган экан. Шундай бўлгач, ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Улар билан ошкора гаплашдик. Коллектив йўл қўйилган хато ва камчиликларни тан олди. Бу соҳадаги ишимиз яқин кунларда ўнгланишига ишонч бор. Шаҳар ҳаво, ер ва сувини ифлослантираётган айрим идора ва ташкилот раҳбарларига огоҳлантирувчи хат тайёрлаб жўнатдик. Агар яна қулоқ солишмаса қонун бор-ку!

— Медицина кооперативлари атрофида ҳам кўп гаплар бўляпти? Улар ўзини оқлаши мумкинми?

— Биласизми, ўқув юртини битирган ҳар бир врач Гиппократ қасамини ичишади. Қасамёдда эса кооператив ҳақида ҳеч гап йўқ. Шунингдек, В. И. Ленин 1918 йилда Россия соғлиқни сақлаш комиссари қилиб Семашкони тайинлаганида ва шу соҳа бўйича Декретни имзолаганида медицина ҳам халқ маорифига ўхшаб халққа беминнат ва текин хизмат кўрсатишини қатъий таъкидлагани ҳозир ҳам ўз кучида турибди. Қолаверса, кооператив ҳақидаги қонундан бир гуруҳ «ишбилармон медикларимиз» шахсий фойда орттириш йўлига ўтиб олдилар. Мен раҳбар бўлиб келгач ана шундай медицина кооперативларидан саксон фоизини ёпишга муваффақ бўлдим. Қонун-қоидасига мос келадиганларига рухсат бермай иложимиз йўқ...

— Қулаҳмад Тошпўлатович, агар Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодингиз ўтса, нима қилардингиз? Яъни, режаларингизни назарда тутяпмиз?

— Ҳа номзодим шаҳардаги 31-Ўзбекистон сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига кўрсатилиб рўйхатга олиндим. Бу тўғрида ўзимнинг иш платформам бор. Унда эски шаҳар аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилишдан ташқари анчагина бошқа ташкилий-тадбирий ва маданий ишлар қилишимни режалаштириб қўйдим. Сайловчилар билан учрашувда, очиғи ҳамшаҳарларим аҳволига ачиниб кетдим. Эски шаҳар Тошкентнинг марказида бўлгани билан энг нообод даҳа саналади. Бу ерда асосан туб аҳоли яшайди. Лекин улар одам учун энг зарур оддий шарт-шароит ва имтиёзлардан ҳам маҳрумдир. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Чунончи, кўчалари тор. Асфальтлари бузилган. Водопровод маҳаллаларнинг бир-икки жойидагина бор. Ёзда сув тўхтайди. Бу даҳа газлашмаган. Устига кўмир олиш ва уни тор йўлаклардан хонадонларга ташиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қурилиш материаллари етишмайди. Илон изи кўчаларига жойлашган хонадонларда ҳатто ювиниш учун шароит ҳам йўқ. Чунки эски шаҳарга канализация умуман ўтказилмаган. Ана шундай оғир шароитда минглаб кўп болали оилалар яшайди.

Албатта, мен шунча вақт ичида йиғилган муаммони бирпасда ҳал қилиб бераман, деб ваъда беролмайман. Лекин аҳоли учун қўлимдан нималар келса ҳамма-сини қилишга ҳаракат қиламан.

— Охирги савол. Экстрасеансларга муносабатингиз қандай? Шунингдек психотерапевт-врач А. М. Кашпировскийнинг Тошкентда ўтказган даволаш сеанслари натижалари билан ҳам газетхонларимизни таништирсангиз?

— Кинначиларни ҳеч кўрганмисиз? Экстрасеанслар ҳам шунга ўхшаган гап. Ҳар бир кишида кўзга кўринмас ғайри-табиий куч бўлади. Аммо у бировда кўпроқ, бошқада озроқ бўлиши мумкин. Кўплар агар ана шундай қобилият ўзида мавжудлигини сезса, уни ишлатиб тарбиялай бошлашади. Бундай одамларда бошқаларни ишонтириш кучи ҳам бўлади. Ҳамма гап инсон ўзидаги қобилиятни тўғри, беғараз қўллашида. А. Кашпировский ҳам ана шундай иқтидорли шифокорлар қаторига киради. У аввламбор одамлардан келган телеграмма ва хатларни ижобийларини ўқиб бериб, ўз ихлосмандларини гапиртириб аудиторияни тайёрлайди. Яъни, одамларни ҳар қандай дарддан халос бўлишига пухта тайёрлайди. Кейин қарабсизки, бемор организмида ўзининг дардига қарши курашадиган янги бир куч пайдо бўлади. Шундан сўнг, туяга ҳайт, деган ҳам мадад, дегандай «сарбон» яъни Кашпировскийнинг ҳам нур кучи қўшилиб бемор даво топганини ўзи ҳам сезмай қолади. Бундай иқтидорли кишилар ўзимизда ҳам кўп...

Энди А. Кашпировскийнинг Тошкентдаги даволаш сеанслари натижасига келсак бошқармамизда халқдан олинган хат-телеграммалар ўн мингдан ошиб кетди. Ҳозиргача шундан тўрт мингта хат ва телеграммани тадқиқ қилиб улгурдик.

Тошкентдаги Марказий «Юбилей» спорт саройида қатнашиш учун 4748 та абонемент тарқатилган эди. Шундан 432 нафар бемор қисман ё тўлиқ шифо топгани ҳақда ёзади. Шу жумладан 38 нафар киши аҳволи оғирлашганини билдирган.

Лекин шуни назардан қочирмаслик керакки, шу одамлардан анча фоизининг аҳволи тузуклашганининг ўзи кичик гап эмас. Шу фактнинг ўзи, давлатимизга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий фойда келтирганидан кўз юмиб бўлмайди. Қолаверса халқларимиз ўртасида байналмилал дўстликни тарғиб қилганининг ўзи ҳам катта гап...

Агросаноат бўлими почтасидан

ЕР ИЛМИ БИЛИМДОНЛАРИ

● Инсон мақсадсиз яшамайди. Шоир айтганидай, у умрини орзу билан ўтказади. Ҳаёт зиналарининг ҳар бир поғонасида орзуларнинг муайян бўлаги ушалиб боради, янги-янги мақсадлар ва истаклар туғилади. Техникумимизнинг ўқув-тажриба ер участкаси бўлиши ҳам бизнинг илм даргоҳимиз ўқитувчи ва талабаларининг узоқ йиллик орзуси эди.

Директоримиз Ёвқочди Ҳайдаровнинг елиб-югуришлари, жонкуярлиги туфайли бурноғи йили техникум учун 158 гектар ер ажратилди. Шунинг 133 гектари экин экиладиган, 10 гектари мелиоратив майдон ҳисобланади.

Хўш, ер бизга нима учун керак эди? Ҳавасгами? Ёки кўпгина билим даргоҳларига ўқув участкаси ажратиш анъанага айланиб қолган ҳозирги бир пайтдаги «ер касаллиги» учунми? Ахир номига ер участкаси бору амалда эса ҳеч қандай нафи йўқ майдонларни кўрмаганмизми?

Техникумимиз бўлимларига эътибор берсангиз, ҳаммасини билиб оласиз: қишлоқ хўжалигини, гидромелиоратив ишларни механизациялаш, гидромелиорация. Шундай бўлгач, биз тайёрлаётган кадрлар ер тузилишини, унинг мелиоратив ҳолатини, механизацияни амалий жиҳатдан билиши, шу омиллар билан бевосита ишлаши керак. Ана шундай бўляпти ҳам. Талабаларимиз ишлаб чиқариш практикаларини ўқув-тажриба участкамизда ўтказишмоқда, ўз мутахассисликлари бўйича дастлабки амалий ҳаёт мактабини ўтамоқдалар.

Ўтган йили 87 гектарга пахта, 39 гектарга ерёнғоқ, 3 гектар майдонга полиз ва сабзавот экинлари эккандик. Ҳосилдорлик яхши бўлди. 180 тонна «оқ олтин» етиштирилди. План 107 фоизга уддаланди. Ҳосилдорлик 20 ўрнига 22 центерданга етди. Биргина пахтанинг ўзидан 80 минг сўм даромад қилдик. Бу маблағлар техникумимиз ўқув-техника базасини мустаҳкамлашга ишлатилади.

Планни бажариш бизнинг бурчимиз. Аммо гап фақат пландагина эмас. Бизнинг асосий мақсадимиз ёшларни шу жойнинг ўзидаёқ малакали қилиб тайёрлаш. Токи у эртага мустақил ишлаганда қийналиб қолмасин. Тўғри, ер участкамиз бор, ундан баҳоли қудрат фойдаланяпмиз. О. Қўшматов, М. Мирзабеков, В. Кузнецев каби ишчи-ходимларимиз, айниқса жонкуярлик қилишмоқда. Айни пайтда ер ҳайдалмоқда. Аммо ерларимиз шўр, ёнилги бироз тақчил. Шу туфайли бир қатор муаммолар туғилмоқда. Уларни бартараф этишга кўп куч сарфлаяпмиз.

Ўйлаймизки, бу меҳнатларимизни биз тайёрлаётган ер илми билимдонлари келажакда тўла оқлайдилар.

А. ЮСУФАЛИЕВ,
Оқолтин районидаги гидромелиорация техникумининг ўқув-тажриба участкаси директори.

Дунё овози

• РУМИНИЯ

ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ

БУХАРЕСТ. Декабрь ойида Чаушескунинг шахсий соқчилари жумласидаги жангарилар билан қўзғолончилар ўртасида содир бўлган кўча жанглари оқибатида бухарестликларнинг 500 дан кўпроқ оиласи бошпанасиз қолди. Тимишоара, Брашов, Сибиунинг юзлаб аҳолиси ҳам худди шундай аҳволга тушган.

Миллий нажот фронти кенгаши бу одамларни уй-жой билан, шунингдек ҳозир Руминияга чет элдан келаётган жуда катта ёрдам ҳисобидан кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш юзасидан тадбирлар кўрмоқда. Жабрланганларга Руминия жамғарма банкидан беғараз пул олиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Шаҳар магазинларида жабрланганларга хизмат кўрсатиш пунктлари очилган бўлиб, бу ерда уларга мебель, холодильниклар, телевизорлар ва турли хўжалик моллари таклиф этилмоқда.

• АҚШ

«КОЛУМБИЯ» УЧИРИЛДИ

НЬЮ—ЙОРК. Флорида штатининг Канаверал кўрфазидаги космодромдан 9 январда кўп марта фойдаланиладиган «Колумбия» космик кемаси учирилди.

Беш киши — икки аёл ва уч эркакдан иборат «Колумбия» экипажи ўн кунлик парвоз чоғида космосга АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг алоқа йўлдошини етказиб бериши ҳамда 1984 йили учирилган илмий йўлдошни орбитадан ерга қайтариб келтириши зарур. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу йўлдошда ўтказилган тажрибалар натижаларини ўрганиш турли материалларга космик фазо шароитида узоқ таъсир оқибатларига дахлдор кўпгина масалаларга жавоб олиш имконини беради. Олимлар «Колумбия»нинг ўн кунлик парвозини кўп марта фойдаланиладиган кемаларни 16 кун ва бундан ҳам кўпроқ учишга тайёрлашнинг муҳим таркибий қисми деб билмоқдалар.

САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА

ВАШИНГТОН. АҚШ Совет Иттифоқи, шунингдек Шарқий Европадаги мамлакатлар билан савдо муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқда, деди матбуот конференциясида президентнинг савдо музокараларидаги вакили Карла Хиллз. Унинг сўзларига қараганда, турли махсус идоралараро гуруҳлар Совет Иттифоқи билан тузилажак «савдо битимларининг вариантларини таҳлил этиб» маслаҳатлашувлар ўтказмоқда.

ЮПИ агентлиги Хиллз маҳкамаси вакилларига суяниб шу вакил сўзларини шарҳлар экан, АҚШ конгресси Жексон—Вэник тузатишини бекор қилмагунча СССРга савдода энг яхши шароит яратиб бермайди, деб таъкидлади. Бу тузатишга кўра Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқ ниҳоятда чеклаб қўйилган ҳамда савдодаги ғовларнинг олиб ташланиши СССРнинг эмиграция сиёсатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилган.

• ГРЕЦИЯ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

АФИНА. Ҳозирги дунёда фаннинг аҳамияти ва ўрни қандай, унинг ютуқларидан бутун инсоният манфаатлари йўлида қай даражада кўпроқ фойдаланиш мумкин! «Фан, технология ва атроф муҳит: умумжаҳон ҳамкорлиги истиқболлари» мавзусида ниҳоясига етган халқаро анжуман қатнашчиларининг диққат марказида ана шу масалалар турди. БМТ ҳомийлигида ташкил этилган анжуман ишида жаҳондаги 22 мамлакатдан, шу жумладан СССРдан 50 нафардан кўпроқ олим қатнашди.

Жаҳон илм-фанининг илғор вакиллари тўрт кун мобайнида давра суҳбатларида йирик илмий муаммоларни ҳал этишга системали ёндашув, уларни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш, «инсон омилини» фанга киритиш зарурлиги тўғрисида, олимларнинг ўз кашфётларини тадқиқ этиш натижалари учун масъуллиги ҳақида ошкора, қизиқарли суҳбат олиб бордилар. Анжуманда атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига жуда катта эътибор берилди. Бу муаммони ҳал этиш, айниқса ривожланаётган мамлакатларда, асосан ташқи қарзнинг жуда кўплиги оқибатида мушкуллашиб кетган.

(ТАСС).

• *Меҳр-мурувватли бўлайлик*

САХИЙЛИК— ИНСОН ФАЗИЛАТИ

● Бу йил Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Оролбўйи болаларини бепул овқатлантириш учун жуда катта пул юборди. ЎзТАГ мухбири С. Драчев республика жамияти правлениесининг раиси О. Т. ВОҲИДОВАдан мазкур жамоат ташкилотининг меҳр-мурувват борасидаги ишлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Қадим-қадимдан яқин ёру биродарларингга ёрдам бериш сахийликнинг энг олий кўриниши бўлиб келган. Биз минглаб кўнгилли ёрдамчиларимиз — жамият аъзоларидан ҳам, унга расман аъзо бўлмаган фаолларимиздан ҳам вазифамизни бажаришда бераётган ёрдамлари учун миннатдормиз.

Бугунги кунда Орол муаммосига ҳеч ким бефарқ қараётгани йўқ. Биз республикамиздаги ва мамлакатимиздаги бошқа жамоат ташкилотлари билан бирга мазкур региондаги экологик ва тиббий аҳволни яхшилаш юзасидан жуда катта программа ишлаб чиқиб, амалга оширяпмиз. Оролбўйи болалари ва хотин-қизлари учун соғломлаштириш маркази бунёд этишда шерикчилик асосида қатнашиш мақсадида юз минг сўм пул ажратилди. Бундан бир йилдан сал кўпроқ илгари меҳр-мурувват махсус хизмати ташкил этилганди, ҳозир унда 1500 нафар раҳм-шафқат ҳамширалари ишламоқда. Улар минглаб кексайган кишиларга, ўруш ногиронларига, меҳнат ветеранларига, байналмилалчи жангчиларга тиббий хизматни ва беморларни парвариш қилиш ишларини ташкил этишда, маиший масалаларни ҳал этишда беғараз ёрдам бермоқдалар.

Жамиятимиз кам нафақа оладиган пенсионерлар ва ногиронларга, ҳалок бўлган байналмилалчи жангчиларнинг оилаларига моддий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Бешта медицина олий ўқув юртида ва республикамизнинг 38 та медицина билим юртида етим болалар ва афгонистонлик собиқ жангчилар учун жамият стипендияси таъсис этилган. Мамлакатимиз турли регионларининг табиий офатлар ва бошқа ҳодисалар туфайли фалокатга йўлиққан аҳолисига ҳам ёрдам берилмоқда.

— Маблағларни қаердан оляпсиз?

— Улар аъзолик бадаллари ҳамда аҳолидан, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар коллективларидан кўнгилли равишда тушаётган хайр-эҳсонлардан ташкил топади. Ҳар бир киши бизнинг сафимизга қўшилиши мумкин. Қизил ярим ой жамиятининг уй-жой-ижтимоий банкининг Тошкент шаҳар Киров район бўлимида 000700378 ҳисоб счёти очилган.

ЗАМОНДОШИМИЗ ҲОЖАР МОМО

Одатда тўй йиғиларда, маъракаю мажлисларда халқимиз сочларига оқ тушган мўътабар кексаларимизни тўрга ўтқазади. Уларнинг ҳурматини жойига қўяди. Айниқса, улар катта ҳаётий тажрибага эга бўлса, ибратли умр ўтказса, ҳурматимиз янада ошади. Сурхондарё областининг Жарқўрғон районида истиқомат қилувчи Ҳожар момо Остонқулова фақат оиласида эмас, балки бутун районда обрў-эътибор қозонган пирбадавлат кексаларимиздан.

Унинг тақдири оддий. Ўзининг тенгдошларига ўхшаб ҳаёт кечирган. Улуғ Ватан уруши йилларида турмуш ўртоғидан жудо бўлди. Ёлғиз ўғлини яхши инсон қилиб тарбиялади. Тонг қулмасдан бурун далага отланиб, шомда уйига қайтди. Ҳалол меҳнат қилди. Унинг бутун ҳаёти колхоз даласи билан боғланган.

Ҳозир Ҳожар момо кексалик гаштини сурмоқда. Унинг ўттиздан ортиқ невара ва эваралари бор. Ўй ёшларга панду-насиҳатлар қилади. Уларнинг яхши инсон бўлиб етишишига ҳисса қўшади. Момонинг оиласи катта ҳовлида аҳил-иноқ яшайди. «Қарриси бор уйнинг париси бор» деганларидек, Ҳожар момо оилага ҳали ҳам барака киритмоқда. Невара-келинларига гилам тўқиш сирларини ўргатиб бормоқда.

Суратда: меҳнат ветерани Ҳожар момо Остонқулова. Р. Шагаев сурати (ЎзТАГ).

ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

СССР Олий судида 9 январь куни Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг собиқ раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Е. Айтмуротов иши устидан суд мажлиси бошланди. У 80.500 сўм пора олишда айбланмоқда.

СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси мажлисни қуйидаги составда ўтказмоқда: раислик қилувчи СССР Олий суди аъзоси М. Каримов, халқ маслаҳатчилари А. Жмуйдзинавичюс ва В. Смирнов СССР прокуратурасининг катта прокурори О. Анкудинов давлат қораловчисидир, судланувчини адвокатлар Москва шаҳар коллегиясининг аъзоси В. Рябенко ҳимоя қилмоқда.

Айблов фикрида бундай дейилади: «...1970—1984 йилларда ўзининг масъул мавқеидан ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланиб, ўзига хизмат юзасидан бўйсунган ходимлардан, шунингдек Ўзбекистон ССРдаги турли партия ва совет органлари раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан ишда ёрдам берган, ҳомийлик қилгани ва қўллаб-қувватлагани учун бир неча бор пора олган».

Айблов фикрида қайд этилган пора берувчилар орасида район партия комитетларининг секретарлари, совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари, автоном республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари — жами 17 киши бор. Материалларга қараб фикр юритадиган бўлсак, Айтмуротовга озуқа ва эҳтиёт қисмлар, ёғоч-тахта ва қурилиш техникаси олишда ёрдам берганлиги, йўл қурилишида ва телефонлаштиришда кўмаклашгани учун, танқид қилмаслиги учун, хуллас ҳамма нарса учун пора беришган.

Айтмуротов терговда ҳам, судда ҳам ўзига қўйилган айбларни тан олмади.

Шу кун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Р. Абдуллаева иши устидан СССР Олий судида бўлаётган суд мажлисида гувоҳларни сўроқ қилиш бошланди.

Гувоҳлар кўп эмас, дарҳақиқат, Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг собиқ биринчи секретари М. Худойбергановдан 5 минг сўм миқдорида пора олишда, яъни бир эпизод бўйича айбланмоқда. Судда сўроқ қилинганида М. Худойберганов терговнинг тазйиқи билан мен Абдуллаевага туҳмат қилган эдим, деди. «Қариндош-уруғларингни қамоққа оламиз, деб менга дағдаға қилишди, шунинг учун ҳам мен тергов чоғида кўрсатмаларимни ўзгартиришдан қўрқдим».

Бир кун илгари Абдуллаеванинг сўроқ қилиш ниҳоясига етган эди. У, менинг ишим тўқиб чиқарилган, деди. «Кимни порахўрликда айблашимиз лозимлигини айтиб, бизни қўғирчоқ қилиб ўйнатишган эди... Мен ҳеч қачон ҳеч кимга пора бермаганман ва ҳеч кимдан пора олмаганман»,— деди Абдуллаева.

(ТАСС мухбири).

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: урология, психиатрия, биринчи даволаш факультетида сил касаллиги, биринчи даволаш факультетидаги поликлиника ўқувида ички касалликлар:

профессорлар: иккинчи даволаш факультетида теританосил касалликлари, иккинчи даволаш факультетида умумий хирургия;

ассистентлар: стоматология факультетида ички касалликлар, биринчи даволаш факультетида акушер-гинекология, биринчи даволаш факультетидаги поликлиника ўқувида ички касалликлар.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700048, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй. Телефон 67-74-97.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«АГРОПРОМРЕМОНТ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

СИЗЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИ:

— кичик ер текисловчилар, КПН ер текисловчилар, ГН-2,8 грейдер пичоқлари·
ГРХ-250 чуқур юмшатгичлар.

РЕМОНТ ВА АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН УСКУНАЛАР:

—ОПТ-4537, ОПТ-1326 А, ОПТ-15641 тележкалари (ремонт корхоналари линияларида трактор ва автомобиллар жойлаштириш учун);
ОМ-837Г, ОМ-1366Г, М-129 ювиш қурилмалари;
—03—16350 мой тарқатиш қурилмалари, 03—18002 нагнетателлар.

ҲАМДА:

— БКБМ — 395 помидор ташгичлар;
— ПТМЗ заправка агрегатлари;
— Сутни зарарсизлантирувчи камералар;
— ТД-2 ва ТЖ-1,5 иссиқлик генераторлари (пахтани қайта ишлайдиган заводлар учун),
— 10 метр кубни нефть солинадиган резервуарлар.

Бизнинг адрес: 700081, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси,52-уй. «Агропромремонт» республика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.
Телефонлар: 77-86-72, 77-66-45, 77-86-87.

«Узбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАР САРОЙИДА

20 ВА 21 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

«СЕВГИ ТАРОНАЛАРИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Қизлархон ДУСМУҲАМЕДОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ЗИЕДА МАДРАҲИМОВА ва ОДИЛЖОН ҚАМОЛХЎЖАЕВ
ЛИРИК ХОНАНДА
ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ
Ўзбекистон ёш хонандалар кўригининг совриндори
МАШРАБЖОН ЭРМАТОВ
«КАМОЛОТ-89» кўригининг совриндори
ШОМАҲМУД ШОРАҲМЕДОВ
Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиосининг яккахон хонандалари
КОЗИМ ҚАЮМОВ ВА СОРА ТОШМАТОВА

ПРОГРАММАНИ — миниатюра ва сўз устаси ШУҲРАТ АБДУЛЛАЕВ олиб боради.
Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

— пластик массалар ва турли хил пенопластларни қўлланиш ва қайта ишлаш бўйича консультациялар;
— пластмасса чиқиндилари ва синтетик смолаларидан оқилона фойдаланиш бўйича консультациялар;
— ГОСТлар бўйича турли хил пластмасса ва смолаларни синови (физик-химик ва физик-механик).
— қурилиш ва муҳофаза материалларининг 0,025÷1,7 ккал) м. ч. град диапозондаги пластмассаларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини аниқлаш, бўйича

ИШЛАР БАЖАРАДИ ВА ШУ ИШЛАРГА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Адрес: 700029, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, химия-технология факультети, «Пластмасса ва эластомерларни қайта ишлаш технологияси» кафедраси.
Справкалар учун телефон: 56-64-81.

«ХЛОПКОПРОМ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Бирлашма бош директори ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда техника фанлари доктори илмий унвони (техника фанлари номзоди) **ва камида ўн йил илмий иш стажига эга бўлган 55 ёшдан катта бўлмаган кишилар қатнаша оладилар.**

Ҳужжатларни топшириш муддати — 25 январгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй, кадрлар бўлими. Телефон 56-09-51.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ФАҚАТ 10 КУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ИЛЛЮЗИОН РЕВЮ»

Япония радио-телевидениесининг гран-при совриндори, Буюк Британия сеҳргарлари уюшмасининг кумуш таёқчаси совриндори, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист ЛИДИЯ АБДУЛЛАЕВА ва ИККИ БУЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА.

ПРОГРАММАДА ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ.

ТОМОШАЛАР:

16, 17, 18 январь соат 19.30 да;
20 январь соат 16, 19.00 да;
21 январь соат 12, 15, 18.00 да

БОШЛАНАДИ

Олдиндан билет сотиш касса лари очиқ. Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-45-91, 44-35-84, 44-29-04.

Тошкент автомобиль йўл институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари сиёсий иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчиси Р. Эшмуродовга отаси

Эшмурод ҲАСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Ҳаёт ва адабиёт*

Ҳар бир жамиятнинг юксалиши ё инқирозга юз тутиши ундаги маънавий иқлимнинг софлигига боғлиқ. Узоқ йиллар мобайнида сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва мафкуравий соҳаларда йўл қўйилган қўпол хатолар туфайли нафақат халқ дастурхонидан қут-барака қочди, балки, кишилар қалбидаги эзгу фазилатлар ҳам хира тортди. Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ўзгалар ғами ва ташвишига шерик бўлиш, ўзгалар қувончидан шодланиш, яхшилик ва эзгулик, садоқат ва саховат сингари хислатлар танқислиги кучайди. Худбинлик буқаламун сингари, турли-туман қиёфаларда намоён бўлиб, жамиятимизнинг маънавий иқлимига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ана шундай бир шароитда маънавий муаммолар санъат ва адабиёт асарларининг диққат марказида туриши табиийдир.

Бугунги ўзбек шеъриятининг пешқадам вакилларидан Абдулла Орипов янги «Ранжком» достонида маънавий ҳаётимиздаги ана шу қусурлар ҳақида, кишиларнинг руҳий оламидаги ўпирилишлар ҳақида куюнчаклик билан фикр юритади. Умуман, бу мавзу атоқли шоир учун янгилик эмас. Унинг сўнгги ўн йил ичида яратган аксар асарлари худди шу мавзуни тадқиқ этишга қаратилган. У шеърдан-шеърга руҳий қашшоқланиш табиатини теранроқ очиб бермоқда.

Руҳий қашшоқланиш кичик бир қатрадан бошланади. Юрак деб аталган денгиз саёз тортиб, унинг қаъридаги қора туз ва қумлар юзага чиқади. Юзага чиқиб-гина қолмай, ундаги эзгулик уруғларини қуритади ва бошқалар учун, жамият учун хатарли бўлиб қолади. А. Орипов шунинг учун ҳам руҳий қашшоқланишни жамият тараққиётига ҳалал бераётган иллат сифатида фош этиб келмоқда.

«Ранжком» гарчанд бугунги долзарб муаммоларга бағишланган бўлса-да, шоир унда реалистик тасвир бўёқлари билангина чекланмаган. У ўзига даҳшатли бўлиб туюлган характерлар ва уларнинг аксилинсоний хатти-ҳаракатларига жамият эътиборини қаратиш ниятида муболаға санъатини кенг истифода этган. Достонда кишиларга озор бериш билан шуғулланган бор йўғи уч киши иштирок этгани ҳолда улар махсус ширкат аъзолари сифатида иш юритадилар. Лекин бу ҳол асарда қабул қилинган шартли тасвир услуби туфайли ҳаёт ҳақиқатига зид ҳодиса бўлиб туюлмайди. Бинобарин, шоир бу «маънавий ташкилот» тимсолида фидойи, меҳнатсевар ва ҳалол инсонлар ҳаётини заҳарлаб келаётган жамиятимиз қурт-қумурсқалари табиатини, уларнинг пайдо бўлиш ва урчиш сабабларини бадиий таҳлил этишга уринади.

Ранжком аъзолари ўзгаларни ранжитиш, уларга туҳмат тошларини отиш, уларни руҳан ва жисмонан майиб этишдан ҳузур қиладилар. Уларнинг роҳат ва фароғати софдил кишиларни бадном қилиш эвазига қарор топади. Гарчанд, кўп бўлмасалар-да, покдомон кишилар уларга қарши уюша олмай, муттасил равишда озор чекиб юрадилар. Шунинг учун ҳам бу тоифа кишилар ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан тап тортмай, жамият энг яхши аъзоларининг оёғига болта уриб келадилар.

Сурбет бўлинг, сурбет бўлинг! Бизнинг шиор—шу,
Ўз-ўзидан келаверар қолган унсурлар.

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Туҳмат, ғийбат, чақув, ҳасад— булар бор гап-ку,
Эл ичида вақт-бемаҳал қўзғанг ўр-сурлар...
Фақатгина ранжитмоқлик руҳида яшанг,
Дуч келганни лойга чапланг, чоҳга тиқингиз...

Ранжком раиси аъзоларга шундай маслаҳат берар экан, уларни бу замин-замонда бадном қила оладиган марднинг йўқлигини писанда қилади.

Достоннинг аксар қисми ана шу уюшманинг ташкилий йиғилиши тасвирига бағишланган. А. Орипов бу қисмда ранжком аъзоларининг ички оламини, разилона моҳиятини очишга сафарбар этилган деталларни усталик билан топган. Шоир бу тасқара унсурларнинг ғайриахлоқий фалсафаларини кенг лиро-эпик планда ёритиш билангина чекланмай, уларни ўз нутқлари орқали фош этиб ҳам ташлаган.

Достон икки шартли қисмдан иборат. Биринчи қисм, қайд этилганидек, янги уюшманинг ташкилий йиғилиши, унинг мақсад ва вазифаларини тасвир этишга бағишланган. Бу қисмда драматик ҳаракат ва тўқнашувлар кўринмайди. Шунинг учун ҳам воқеа тасвирида хийла суслик, бир хиллик кўзга ташланади. Асарнинг иккинчи қисмида эса Фаррош аёлнинг воқеалар оқимига кириб келиши билан тасвир драматик тус олади. Аёл билан ранжком аъзолари ўртасида бўлиб ўтган мулоқот тезда жиддий ва муросасиз курашга айланиб, воқеалар магнитланиб кетади.

Абдулла Ориповнинг ғоявий ниятига кўра, ранжком аъзолари қанчалик хавфли ва тажрибали қаллоблар бўлмасин, жафокаш ва жабрдийда оддий халқнинг вакили қаршисида ҳеч вақо эмас эдилар. Шунинг учун Фаррош аёл уларни ўз йўлидан супуриб ташлаши мумкин. Ана шу ақидага амал қилган шоир бу ҳар иккала кучни ўзаро тўқнаштирар экан, Фаррош аёл осон-гаров ғалабага эришиб, ранжком аъзолари биринчи мағлубиятга учрайдилар. Бундай бахтли хотима китобхонга табиий туюлиши учун шоир Фаррош аёлнинг машаққатли тақдирини гавдалантиради. Унинг эри 30-йилларда ноҳақ қораланган ва бошига турли-туман қулфатлар тушгани маълум бўлади. Бундай биографик маълумотлар образнинг ёркин ва ўзига хос тасвирга эга бўлишини таъминлаган.

Лекин, менимча, китобхонда «Хўш, оддий фаррош билан тўқнашувдаёқ ранжком дарз кетадиган бўлса, демак, у кучсиз ва ожиз бир организм экан. Шундай бўлгач, бу ҳақда достон ёзиш шартмиди?» деган ҳақли савол пайдо бўлиши табиий. Гап шундаки, соғ баданга заҳарли ниш санчиш билан шуғулланувчи кишилар ҳар қандай жамиятнинг хавфли аъзолари бўлганлар. Бугун ҳам улар туфайли қанчаданқанча ақл ва истеъдод соҳибларининг умри қисқа, ҳаётлари эса заҳарли кечмоқда. Шундай экан, достонни ижобий қаҳрамон учун фожиавий якун билан тугатиш бу унсурларнинг зарарли моҳиятини очиш ва жамоатчиликни уларга қарши курашга сафарбар қилган бўлармиди?!

А. Орипов Фаррош аёл билан ранжкомларни ўзаро учраштирар экан, ижобий қаҳрамоннинг сўнгги нусхаларидан ҳам маънавий, ҳам ғоявий жиҳатдан юксак поғонада туришини ишонарли тасвирлаган. Раиснинг «Устозингиз ким?» деган саволига бундай жавоб бўлади:

ФАРРОШ АЁЛ
Оҳ, устозим ҳалок бўлган аллақачонлар,
Сибирь қилиб юборишган шундоқ зиёни.
Навоийни ўқир эдик бўш қолган онлар,
Ўқир эдик гоҳ Гомер, гоҳ Монтескьёни.
БИРИНЧИ АЪЗО
Мантиқасқон деяптими!
ИККИНЧИ АЪЗО
Йўқ, кўмир дейди.

Ёвуз замонларнинг зайли билан зиёкор эридан жудо бўлган, ўзи эса ўқитувчилик касбидан ҳам қувилган Фаррош аёл ранжком вакилларидан ҳар томонлама устун бўлибгина, Навоий, Гомер, Монтескьёларни билибгина қолмай, бугунги куннинг катта ҳақиқатлари ва дардлари билан ҳам яшайди. Агар унинг маънавий рақиблари «Ҳайвон билан баробардир инсон феъл-атвори, балки, ундан беш баттарроқ ёвуз ва маккор» деган ифлос фалсафага риоя қилиб умр ўтказсалар, «ёвузликдан зада бўлган бу қора манглай» эса, «Бахтли удир — кимнинг кўнгли ҳаққа тўқ экан», деб ғурур билан хитоб қилади ва шундай улуғ ҳақиқатлар билан нафас олади.

Шоир ўз асарида ҳасадгўйлик, дилозорлик, разиллик кишиларни тубанлик сари элтувчи зиналар эканини кўрсатиб, қабиҳликнинг ичакчавоқларини — разолат анатомиясини шафқатсиз равишда очган. Шу билан биргаликда ҳамиша кенг миқёсда фикрловчи шоир ҳозирги даврнинг бошқа муҳим муаммоларини ҳам четлаб ўтолмаган. Аммо Фаррош аёлнинг, чунончи, «Азиз элим, ўзинг туққан амалпарастдан қачон ахир қутулгайсан, ўйлаганим шу!» сингари изтироблари шоир белгилаган мавзу билан туташмай, муаллақ қолган. Аниқроқ айтганда, достоннинг хотимаси воқеалар оқимининг мантиқий якуни ўлароқ юзага келмайди.

Аммо бундай ҳолларнинг ўзи ҳам бугунги воқеаликда дилозорликдан кўра ҳам муҳимроқ мавзулар борлигини ва шоир бундай мавзулар билан, янги-янги ният ва режалар билан яшаётганидан шаҳодат беради.

«Ранжком», айрим нуқсонларига қарамай, ошкоралик даврининг долзарб мавзуларидан бирига бағишланган асар сифатида алоҳида эътиборга лойиқ. У бизни маънавий софликка даъват этади, ҳалоллик ва мусафоликни шарафлайди. Жамиятнинг маънавий асосларини кемираётган манфур унсурларга қарши ҳушёрликка, курашга чорлайди.

Н. КАРИМОВ
филология фанлари номзоди.

●

А. Ориповнинг «Ранжком» достони асосида Й. Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган спектаклдан бир саҳна.

С. КАГАН сурати.

Бўрига қўйилган қопқон

Республика ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади

Уч нафар милиция ходимидан иборат қўлга олиш группаси якунловчи босқичда қатъий ҳаракат қилди. Снайпер отган ўқ бандитнинг граната ушлаб турган қўлига тегди... Ночор аҳволга тушиб қолган ва ҳар қандай жиноятдан тап тортмайдиган бандит қўлга олинди.

Қуролли безорини қўлга туширишнинг учун 8 январь куни эрталаб Тошкентнинг Марказий темир йўл вокзалида бошланган операция шу тариқа тугади. Бахтимизга милиционерлар ва хавфли жойда пайдо бўлган гражданларга шикаст етмади.

Воқеа эса бир кун олдин — 7 январь куни кечқурун Кремль кўчасида бошланган эди. Унда жиноятчилар икки киши эди. Улар ҳамма нарсани ҳисобга олишганди. Улар девор орқали ҳовлига ошиб тушиб, пастқамда ўлжа пойлаб туришарди.

Уй бекаси ёзилиш учун ҳовлига чиқиб, уларнинг режасини бузиб қўйди. Ҳожатхона эшигини очиб у ерда икки нотаниш кишини кўрдию, кўрқанидан бақириб юборди. Бақириқни эшитиб, унинг 34 яшар ўғли югуриб чиқди... Иккаласи — она ва бола ҳозир касалхонада даволанмоқда. Безорилар отган ўқ аёлнинг юзига тегди. Кейинги икки ўқ ўғлига аталди. Бу ҳам етмагандек, тўппонча дастаси билан унинг бошига уришди. Ана шу ҳаракатнинг ўзидан яна бир ўқ отилди ва у жиноятчиларнинг бирига тегди. Бандит шу тўппончадан ўқ узиб ярадор бўлган шеригини совуққонлик билан ўлдирди. Чўнтакларидан бор пулини олиб ғойиб бўлди.

...Кидириш группалари 7 январдан 8 январга ўтар кечаси туни билан тиним билмади. Ана шундай группалардан бири жўнамоқчи бўлиб турган «Тошкент—Москва» 5-тезюрар поездини кўздан кечириш чоғида купега қулай жойлашиб олган кишининг ташқи белгилари оғзаки тасвирдагига ўхшашлигига эътибор берди.

У киши қўлга олиш чоғида, ҳатто ўқланган тўппончани чўнтагидан олишганда ҳам унча қаршилик кўрсатмади. Лекин оператив ходимлардан бири унинг чап қўлига солинган кишанни ўз қўлига боғлаши биланоқ қўйнидан граната чиқардида, агар талаби бажарилмаса гранатани портлатиш билан дўқ қила бошлади...

Вагонда йўловчилар бор эди, уларни граната портлаши хавфидан ҳоли қилиш керак эди. Оператив ходимлари жиноятчи билан музокара олиб бордилар, ҳамма масалаларни келишиб олиш учун уни милиция бўлимига боришга кўндирдилар. Шундай қилиб, бандит гаровга олган милиционер билан ёнма-ён Тошкент Шимолий вокзалидаги темир йўл ички ишлар бўлимининг навбатчи қисмига боришди.

Ана шунда снайпер ва зирхли камзул кийган оператив ходимлардан иборат қўлга туширишгруппаси иш бошлади. Жиноятчининг ўқ текан қўлидан тушиб кетган гранатани дарҳол олиб, кимсасиз йўлакка улоқтиришди, граната у ерда... портламади.

Қўлга туширилган жиноятчининг чамадонидан яна бир ўшандай граната, «ТТ» тўппончаси ўқи билан, пичоқ ва кўп миқдорда пул топилди. Энди у булар нималарга аталганлигини терговчиларга батафсил тушунтириб беришига ва судда қонунга мувофиқ жавоб беришига тўғри келади. У фақат шу жиноят учун эмас, Тошкент ва Москвада, Владивосток ва Ленинградда, Грознийда ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларида қилган ўғирлик, талончилик ва қотилликлари учун суд олдида жавоб беради.

В. САФИУЛОВ,
милиция майори.
(ЎзТАГ).

• *Ҳодиса*

БОЛАЛАР ҚОР ОСТИДА ҚОЛИШДИ

2 январь куни Бўстонлиқ районидаги Балдарсой тоғида икки ўсмир қор кўчкиси остида қолиб ҳалок бўлди. Улар қор кўчкисига қарши кураш хизмати ходимларининг огоҳлантиришларига қарамай отаоналари билан бу ерга келишган эди.

Ўзбекистон гидрометеорология ходимларининг хабар қилишларича, Чимён ва Балдарсой атрофида қор кўчиш хавфи тўғрисида 1 январдаёқ одамлар огоҳлантирилган эди: 3 январдан бошлаб бу ерда оммавий спорт тадбирлари ўтказиш тақиқланганди.

Лекин, огоҳлантиришларга қарамай, Балдарсойдаги осма арқон йўли хизматчилари чанғида учиш учун келган бир неча меҳмонга хизмат қилиш мақсадида уни ишга солиб юборди. Меҳмонлар куннинг иккинчи ярмида пастга тушмоқчи бўлганларида, болалар осма арқон йўлидан фойдаланмай, белгиланган йўлдан эмас, балки шамол ҳайдаб келган қор уюмларидан чанғида тушишмоқчи бўлдилар ва фалокатга йўлиқдилар. Улар қор қатлами мустаҳкам бўлмаган ерга келиб қолишди ва 6 минг кубометрга яқин миқдордаги қор кўчишига сабаб бўлишди.

Назорат-қутқарув ва қор кўчкисидан сақланиш хизмати ходимлари болаларни кечгача қидиришди. Уларнинг бирини бир ярим соатдан сўнг, иккинчисини эса тўрт соатдан кейин топдилар. Улар халок бўлишган эди.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01020. № 9. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12